ЁШ ЛЕНИНЧИ

Ўзбекистон комсомол-ёшлари рўзномаси

1991 йил
23 январь
Чоршанба
№ 13 (13.899).

Баҳоси:
Обуначига — 6 тийин.
Сотувга — 10 тийин.

• АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ! • السلام عليكم، عزيز موشترى !

Биринчи саҳифага мактуб

Яхлитликка эришилса

Нафақат ўзбек, балки жаҳон халқлари тафаккури тараққийсида муҳим ўрин тутган улуғ бобомиз Алишер Навоий таваллуд саналари тобора яқинлашиб келмоқда. Бу каби юбилейлар дунёвий аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон ҳаётида айниқса жиддий воқеадир. Афсуски, бу гал ҳам ҳазрат Навоий бобомиз юбилейини ўтказиш оғир пайтларга тўғри келмоқда.

Бу йилги сана ўзига хослиги барчага маълум. Зеро, бундай қутлуғ санани нишонлаш имкони яна 50 йилдан сўнг, яъни шоир таваллудининг 600 йиллиги кунларидагина туғилади. Албатта, бу қарийб бир авлод умрига тенгдир. Ана шу фактнинг ўзиёқ бу йилги юбилейни улуғ мутафаккир шаънига, шуҳратига муносиб ўтказишни тақозо этади.

Байрам тантаналарида шубҳасиз хорижий эллардан, қардош жумҳуриятлардан меҳмонлар ташриф буюришади. Улар бизнинг амалга оширган ҳар бир ишимизда улуғ бобомизга бўлган муносабатни кўришлари эҳтимолдан холи эмас. Бу — юбилейни бекаму-кўст ўтказишга бўлган эътиборни кучайтиришни таъкидлайди. Шу жиҳатдан олганда яқинда «Ёш ленинчи» рўзномасида Алишер Навоийга бағишлаб Тошкентда «Ихлосия» маркази барпо этилиши хусусидаги хабар бизни жуда хушнуд этди. Албатта, бу улуғ ишни тезда амалга ошириш мушкул. Юбилейга эса оз вақт қолди.

Муборак юбилей тантаналари шоир номи билан боғлиқ жойларда, майдонларда ўтказилади. Шу ўринда биз жумҳуриятимиз пойтахтидаги мавжуд ана шундай жойлардан бирига эътиборни тортмоқчимиз. Бу илгари «Шоирлар хиёбони» номи билан аталган маскандир. Хабарингиз бўлса бу ерда Навоий номи, фаолияти, ижоди билан боғлиқ ўзига хос комплекс — бир бутунлик шаклланган. Шоирнинг ҳайкали, Навоий кўчаси, Навоий метро станцияси, Алишер Навоий музейи, Қўлёзмалар илмгоҳи, Ўзбекистон ойнаи жаҳон маркази, Санъат саройи шулар жумласидандир. Назаримизда, бу ерда рус «Ёш томошабинлар театри»нинг жойлашиши ана шу яхлитликни бузиб тургандек.

Турган гапки, ҳар бир архитектура ва ижтимоий бинолар комплекси унсурларининг рамзий маънолари бор. Шу нуқтаи назардан қараганда ҳам рус ЁТТ Алишер Навоий ҳайкали олдида ва шоир номи билан боғлиқ комплекс марказида туриши ярашмайди. Бу миллий масаладаги эскича тафаккурни кўрсатади. Шу сабабли рус ЁТТга мос бошқа бино мавжуд бўлса, театр жамоаси розилиги билан у ўша бинога кўчирилса. Ёхуд жамоа ўзбек ЁТТ билан бино алмашса, бу яхлитликка эришилган бўларди.

Б. КАРИМОВ,
фалсафа фанлари номзоди.
А. КАРИМОВ.



Каттақўрғондаги парранда гўшти етиштириш бирлашмаси жамоаси ўтган йилги режаларини 3800 тонна ўрнига 4000 тоннага етказиш ниятида эдилар. Бир амаллаб, буни уддалашди. Аммо жамоа аҳли озиқ-овқат дўконларининг шип-шийдамлигига ҳайрон. Шунча маҳсулот қаёққа кетяпти, Ёки ҳамма товуқ гўшти ейдиган бўлиб кетдимикан? Суратдаги йигит бирлашманинг 18-цехида парранда боқади. Исми-шарифи Хайрулла Асадуллаев. У 22 минг жўжани парвариш қилаяпти. Кўрсаткичи ҳозирча ёмонмас.

Ғ. АЛИЕВ суратга олган.
Самарқанд вилояти.

...Ёки қурбимиз етмайдими?

Улуғ бобомиз Алишер Навоий ҳазратларининг таваллуд топганларига 550 йил тўлиши муносабати билан рус «Ёш томошабинлар театри» қаршисидаги хиёбонда унинг ҳайкалини бир неча ойдан буён таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Куни кеча шу кўчадан ўтаётиб, ўша эски ҳайкални яна қайтадан тиклаётганликларини кўриб, ўйланиб қолдим. Ахир ўтган йили ойнаи жаҳон орқали ушбу ҳайкални яхши ишланмаганлиги, бобокалонимизнинг хафа тургандек кўринишларини айтишганди. Нима учун яна ўша эски ҳайкални қўйишибди? Наҳотки, у кишига янги бир ҳайкал ўрнатолмасак? Қурбимиз етмайдими? Агар давлат банкида ҳайкал учун ҳисоб очишса, балки халқ оз бўлса ҳам ёрдам бермасмиди? Ҳаракат қилсак имкони топилади-ку.

Абдусалом Ҳотам ҚУРБОН ўғли,
ТошДД шарқ куллиётининг толиби.

ИШ ҲАММАГА ЕТАРЛИ

Июль ойида ишга туширилган Сариосиё саноат комбинатининг жамоаси ҳозиргинг ўзидаёқ 45 минг сўм фойда олди. Корхонада хилма-хил ишлар бажарилади: кийим-кечаклар тикилади, қурилиш ишлари бажарилади, юк ташилади. Келгуси йилда бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш режалаштирилмоқда. Зарли хонатлас тўқишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бўлажак тўқувчилар Марғилон шойи комбинатида ўқитилди, зарур ускуналар ҳозирланмоқда. Комбинат ишга тушганлиги аҳолининг кўпгина моллларга бўлган эҳтиёжини бирмунча тўлароқ қондиришга имкон бериб, ...

«Сўнгги қўнғироқ»— саҳнада...

А. Мажидий номидаги Каттақўрғон ўзбек давлат драма театри ижодий жамоаси Э. Шукурова қаламига мансуб «Сўнгги қўнғироқ» асарини саҳналаштирди. Уюшган жиноятчи гуруҳлар томонидан содир этилган бузғунчилик ҳамда қотилликлар, бу борада ички ишлар ходимларининг шижоати ва қоқайдлиги спектаклнинг асосий мавзуини ташкил қилади. Асарни театрнинг бош режиссёри Равшан Ёриев ва маҳоратли актёр Даврон Қодировлар саҳналаштиришган. Асар руҳига мос саҳна безаклари ёш мусаввир Зокиржон Қобулов мўйқаламига мансуб. Спектаклдаги ролларни асосан ёш актёрлар ижро этишяпти.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.
Самарқанд вилояти.

Ҳам уй, ҳам ном олдим

Ассалому алайкум, «Ёш ленинчи» рўзномаси ходимлари. Аввалдамбор сизларга, жойни берганларга эмас, жумҳуриятимиздаги менга ўхшаб сизлардан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган оилаларга сарсон-саргардон қилмай ёки «таъма» сўрамай бераётган ёрдамларингиз учун умр бўйи миннатдормиз. Сизларга мурожаат қилганимдан кейин мўъжиза рўй берди. Шаҳар ижроқўмига шахсан чақириб тўрт хонали уйнинг «ордери» ва калитини топширдилар. Аммо, афсуски, шу кундан бошлаб мен ва оилам Дружба шаҳрида, ижроқўмда отнинг қашқасидек маълуму машҳур бўлиб, «ёзувчи» деган ном олдик. Майли, ким не деса десин. Энг асосийси уйлик бўлдик. Болаларим худди «Пахтакор» стадионига келгандек кенг уйда ёйраб, чопқиллаб, ўйнаб юрибдилар. Раҳмат, сизларга.

Искандар ПОЛВОНОВ,
Хоразм вилоятидаги Дружба шаҳри.

Даҳога бағишланган конкурс

Пойтахтимиздаги Навоий номли кўчани янада кўркамлаштириш учун уни таъмирлаш мақсадида жумҳуриятмеъморлар уюшмаси буюртма-конкурс эълон қилган эди. Бу хайрли ишга олти нафар меъмор ўз таклиф ва мулоҳазаларини тавсия этди. Бугун жумҳуриятмеъморлар уюшмасида бошқа ижодий уюшмалар вакиллари иштирокида конкурсга тақдим қилинган ишлар муҳокамадан ўтди. Эртадан бошлаб эскиз ва талабчан жюри ҳайъати иш бошлайди. Даҳо номи билан аталувчи шаҳримиз кўчаси яқин кунда яна ҳам чирой очади, деган умиддамиз.

Шу сонга хабар

Ойлик рўзнома

Марҳамат ноҳия комсомол қўмитаси ва «Оқ олтин» рўзномаси жамоаси барча талаб ва истакларни инобатга олган ҳолда комсомол-ёшларнинг ойлик рўзномасини таъсис этишга қарор қилди. Шунга кўра ҳар ойда рўзноманинг бир сони комсомол-ёшлар ихтиёрига бериладиган бўлди.

«Камолот» деб номланувчи ушбу рўзноманинг биринчи сони дунё юзини кўрди. Унинг саҳифаларидан ноҳия хотин-қизлар кенгаши раиса Мунаввар Тошпўлатованинг «Нурлар беланчак бўлсин», Москва Давлат доирилфунуни аспиранти Муҳиддин Маматхоновнинг «Бозор иқтисодиёти ва айрим муаммолар», «ноҳия «Камолот—90» кўрик-танлови совриндорлари ҳақида», «Муштарийларга мурожаат» каби мақолалар ўрин олган.

Ш. НЕЪМАТОВ,
ноҳия фирқа қўмитаси мафкура бўлими йўриқчиси.

Ҳайъат мажлиси

— Беш миллион пахта бердик!

Бугун турли минбарлардан ўзбек халқининг ўтган мавсумда йиғиб-териб олган пахтаси ҳақида фахрланиб гапирилмоқда. Деҳқонга ҳамдусано ўқилмоқда.

Хўш, жумҳуриятдан ташқаридаги миллионлаб кишиларни кийинтираётган ўзбек халқининг ўзи ҳам ўз меҳнатидан баҳраманд бўла оладими?

Ҳувиллаб қолган пештахталарни кундалик халқ истеъмоли моллари билан тўйинтириш мумкинми? Иқтисодий инқироз тугунини ечишга тайёрмизми?

Куни-кеча Ўзбекистон ССЖ Енгил саноат вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Тармоқ корхоналари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтган йиғинда жумҳуриятенгил саноат вазири А. С. Икромов маъруза қилди. У вазирлик корхоналарида ўтган йили 3 миллиард 484 миллион сўмлик, яъни 1989 йилга нисбатан 116 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини таъкидлади. Ўсиш 3,5 фоизни ташкил этди. Бироқ янги йилнинг дастлабки икки ўн кунлиги натижалари ҳеч кимни қаноатлантира олмайди. Хом ашё таъминотидаги узилишлар ишга тўсқинлик қилмоқда.

— Ўз элининг ватанпарвари бўлган ҳар бир раҳбар, ҳар бир киши ўзлигини кўрсатадиган даврмиз келди. Акс ҳолда... —, дейишди йиғин қатнашчилари.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари У. Қ. Исмоилов қатнашди ва сўзга чиқди.

Сувонқул РУСТАМ,
«Ёш ленинчи» мухбири.

(Ҳайъатнинг мазкур йиғини ҳақидаги батафсил ҳисобот рўзномамизнинг навбатдаги сонларидан бирида эълон қилинади).

Бозор барқарорлашадими?

Кейинги пайтларда одамлар дўконларга камқатнов бўлиб қолишди. Борди-ю, хирадиган бўлишса ҳам томоша учун қадам қўядилар. Унингбунинг борми, деб сўрамайдилар.

Аслида сўрашнинг ҳожати ҳам йўқ. Ахир ҳаммаси кўз ўнгингизда-да. «Йўқ!» Аммо кўринмай ётган моллар қанча? Суиистеъмолликлар, транспортдаги узилишлар, таъминотдаги сусткашликлар. Булар ҳаммаси истеъмолчилар учун ортиқча ташвиш орттирмоқда, норозиликларга сабаб бўлаётир.

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида ташкил этилган савдода тартиб ўрнатиш ҳамда аҳолини озиқ-овқат ва халқ истеъмол моллари билан таъминлаш жумҳурият Штабининг бўлиб ўтган мажлисида ана шулар ҳақида гап борди. Штаб бошлиғи, Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари У. Қ. Исмоилов истеъмол бозоридаги аҳвол ва ишларнинг боришини барқарорлаштириш юзасидан ҳукумат қабул қилаётган чора-тадбирлар ҳақида атрофлича ахборот берди.

Жумҳурият ҳукумати савдода ва умуман истеъмол бозорида юзага келган оғир вазият устидан назорат ўрнатишни ўз зиммасига олмоқда. Шу мақсадда ҳуқуқ-тартибот ва назорат қилувчи бошқа идораларни бу ишга сафарбар этмоқда. Штаб ишининг самарадорлигидан биринчи галда жумҳуриятимиз барча меҳнаткашлари манфаатдордир.

(Ўз мухбиримиз).

Қароқчи тайёрани олиб қочди

Ҳаёт тасодифларга тўла. Бўлмаса якка бир кишининг юз элликдан ортиқ йўловчиси билан учган «ТУ-154» тайёрасини олиб қочишини тасаввур қила оласизми? Ҳа, бахтга қарши шундай ҳодиса рўй берди.

Москва вақти билан эрталаб 7.30да Тошкент аэропортидан кўтарилган ҳаво кемаси «Тошкент—Грозний—Одесса» йўналиши бўйича 151 йўловчини олиб ҳавога кўтарилди. Кимдир қариндош-уруғиникига, яна кимдир хизмат сафари билан йўлга отланган. Украина фуқаро авиацияси бошқармасига қарашли Одесса бирлашган авиаотряднинг учувчилари Грозний шаҳрига ҳаво кемасини Москва вақти билан соат 11 дан 44 минут ўтганда эсон-омон қўндирдилар. Орадан кўп ўтмай, тайёра яна осмонга кўтарилди. Бу галги йўналиш Одесса шаҳрига.

Тайёра осмонга кўтарилгач, йўловчилардан бири экипаж аъзоларига кемани Туркиянинг Истамбул шаҳрига буришни, акс ҳолда уни портлатиб юборишини дўқ-пўписа билан айтди. Ноилож қолган экипаж тайёрани Истамбул шаҳрига бурди. Лекин у ердаги аэропорт хизмати вакиллари Совет тайёрасини қабул қилмасликларини қатъий равишда айтишди.

Шундан сўнг қароқчи ҳаво лайнерини Болгарияга буришни айтди. Москва вақти билан соат 14 дан 30 минутлар ўтганда тайёра Болгариянинг Бургас шаҳрига эсон-омон қўнди. Йўловчилар ва экипаж аъзоларига ҳеч қандай зиён-заҳмат етмади. Қароқчи айни вақтда Болгарияда ҳукумат томонидан қўлга олинди. Унинг исми-шарифи ҳозирча тўла аниқланганича йўқ.

Шу сонга хабар



ДОРИЛФУНУН БИЛАН ТАНИШУВ

Тошкент вилояти мактабларининг бир гуруҳ иқтидорли ўқувчилари ССЖИ халқ депутати, пойтахт доирилфунуни ректори Эркин Юсупов билан учрашдилар.

Доирилфунун ректори Эркин Юсупович олий даргоҳ, таълимдаги ўзгаришлар, келгуси режалар хусусида йиғилганларга сўзлаб берди. Шу билан бирга доирилфунундаги қабул муаммолари, унда иқтидорли ўқувчиларга яратилаётган имтиёзлар ҳақида гапириб, ёшларни Ўрта Осиёдаги тўнғич илм даргоҳига таклиф этди. Шундан сўнг мактаб ўқувчилари билан доирилфунун профессор-ўқитувчилари ўртасида қисқа мулоқот бўлиб ўтди.

— Доирилфунуннинг физика куллиёти билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз, — дейди Чиноз ноҳиясидаги 27-ўрта мактаб муаллими Ортиқали Қодиров. — Билим даргоҳимиз замонавий. Болалар бир сменада таълим-тарбия олишади. Ноҳия бўйича иқтидорли ўқувчиларни йиғиб, физика ва математика фанларидан махсус йўналишда (чуқурлаштирилган) ўқитяпмиз. Бунинг самараси кўзга ташланиб қолди. Битирувчиларимиз доирилфунуннинг бир қанча куллиётларида таҳсил олишмоқда.

Доирилфунуннинг бу борада олиб бораётган ишларини олқамоқ керак. Токи жумҳуриятимиз равнақи ёшларнинг қўлида экан, бундай ибратли ишлар, тадбирлар оммалашиши лозим.

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.
Суратқаш Муҳаммад АМИН.

Ҳамжиҳатлик дастури

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ФИРҚА ВА КОМСОМОЛ ҚЎМИТАЛАРИНИНГ ҚУШМА ПЛЕНУМИДАН

ЕШЛАР муаммоларини ҳал этиш, ҳозирги иқтисодиёт танглиги даврида йигит-қизларни ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, уларнинг тарбиясини тубдан яхшилаш биринчи навбатдаги масала эканлиги ҳаммага равшан. Зеро, бу масалани ҳал қилмай туриб юзага келган вазиятни соғломлаштириш, олға қараб силжиш ва истиқболга бўлган умидни уйғотиш мумкин эмас. Хўш, бунинг учун нима қилиш зарур?

Аввал рўзномамизда хабар қилганимиздек, Наманган вилоят фирқа ва комсомол қўмиталарининг қўшма пленуми ана шу масалага бағишланди. Пленумдаги вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби Б. Ҳакимов, вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби М. Жўрабоев маърузаларида, Ўзбекистон Комфирқаси Марказий Қўмитаси котиби Ж. Ҳамидов нутқида ва музокараларда қатнашган нотиқлар ўз сўзларида ҳозирги пайтда ёшлар сиёсатини рўёбга чиқаришнинг зарур бўлган чора-тадбирлари, амалий ҳаракатлари юзасидан фикр-мулоҳазаларини мисоллар асосида баён қилиб бердилар. Мамлакатимизда, жумҳуриятимизда бўлгани сингари бу вилоятда ҳам муаммолар, ўз ечимини кутаётган масалалар оз эмас.

Маълумки, ўтган йилнинг 2-3 декабрь кунлари Наманган шаҳрида бўлиб ўтган фожиавий воқеа замирида ҳам ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги камчиликлар, ёшларнинг маънавий қашшоқлиги, уларнинг таълим-тарбиясидаги нуқсонлар ётиши аён. Шунингдек, йигит-қизлар кейинги вақтларда социалистик қадриятларимизни назар-писанд қилмайдиган бўлиб қолдилар. Бундай аҳвол ўз-ўзидан намоён бўлмайди. Бунинг бош иллати — йигит-қизлар ўртасида ишсизларнинг сони ортиб бораётганлигидир.

Фактларга мурожаат қилайлик. Ўтган йилнинг март ойидаги маълумотларга кўра, вилоятда 79 мингдан зиёд ишсиз мавжуд. Шунинг 44 мингга яқини 29 ёшгача бўлган йигит-қиз. Бу фирқа, шўро, комсомол ва хўжалик органлари вакилларидан мазкур муаммони ҳал этиш йўлларини излаб топишни тақозо этади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томондан эса, вилоят халқ хўжалигининг барча соҳаларида 2 мингга яқин иш жойлари бўш. Жумладан, Наманган шаҳри саноат корхоналари ҳамда ташкилотларида 1200, Уйчи, Учқўрғон ноҳияларида 117, Янгиқўрғон, Задарё ноҳияларида 100 дан зиёд иш жойлари бўш турибди. Шу рақамларнинг ўзи ҳам фирқа ва комсомол қўмиталари йигит-қизларни касбга йўналтириш, касб-ҳунар ўргатиш борасида олиб бораётган ишлари талаб даражасида эмаслигидан далолат беради.

Бундан ташқари вилоятда уй-жой қурилишида, аҳолига тиббий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида камчиликлар сусткашлик билан бартараф этилаётганлиги ҳам вазиятга ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳозирги мураккаб шароитда ёшлар тарбияси муаммолари бошқа масалалар ичидаги энг долзарб эканлиги пленумда алоҳида таъкидланди. Чунки вилоятда мавжуд бўлган маданий-маърифий масканлардан ёмон фойдаланилмоқда. Клублар, маданият саройлари, кутубхоналар ва бошқаларга эътибор сусайгани туфайли, уларнинг кўпчилиги ночор аҳволга тушиб қолган. Натижада маърифат масканларининг ёшлар онгини шакллантиришда, кўнгилли ҳордиқ чиқаришдаги роли ҳамда имконияти иккинчи навбатга ўтиб қолган.

Ёшлар бўш вақтини ташкил этиш фирқа ва комсомол қўмиталари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиши шарт. Тўғри, комсомол ташкилотлари бу соҳада бирмунча тадбирларни белгилаб олган. Жумладан, вилоятда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишнинг 17 та маркази тузилган. Лекин комсомол ташкилотлари мафкуравий фаолият кўрсатишни эътибордан четда қолдирганлиги туфайли бу ишларни ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Таълим ва тарбия соҳасидаги жиддий хато ва камчиликлар, ҳаётдаги мавжуд муаммолар ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсиб боришига олиб келаяпти. Вилоят бўйича юз берган жиноятларнинг учдан икки қисми 14-29 ёшли ёшлар томонидан содир этилаётир. Биргина ўтган йилнинг ўн ойи мобайнида 1392 та жиноят содир этилган. Айниқса, бундай салбий ҳолатлар Наманган шаҳри, Совет, Поп, Чуст, Учқўрғон, Янгиқўрғон ноҳияларида кўпдир.

Демократия бошқа соҳаларда бўлганидек, диндорларга ҳам кенг эркинликлар берди. Лекин айрим дин аҳиллари буни ўта суиистеъмол қилмоқдалар. Жумладан, улар таълим-тарбиядаги бузилишларда фирқа, шўро органлари бевосита айбдор деб, уларни обрўсизлантиришга уриниш ҳоллари ҳам содир бўлаяпти. Бошқача қилиб айтганда йигит-қизлар ёшлигидан фақат ислом дини руҳида камол топсагина меҳр-шафқатли, одобли, меҳнатсевар бўлиб ўсади, демождалар. Аслида эса бундай бўлмаяпти, деб таъкидланди пленумда. Мактаб, ҳунар-техника, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган баъзи ёшлар икки аросат орасида қолмоқдалар. Айрим ота-оналар эса ўз фарзандларини болалигиданоқ фақат намоз ўқишга, ҳатто мактабга чиқмай бўлса-да, масжидга боришга ундамоқдалар.

Байналмилал тарбия соҳасида ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Бундан уч-тўрт йил муқаддам бўлган бир пиёла чой устида турли миллат ва элат вакилларининг ўзаро гурунглари, турли кечалар ўтказиш, байналмилал оилаларнинг турмуш тарзини тарғиб қилувчи тадбирлар унутилиб қўйилди. Совет Армияси сафларидан қочиб келаётган, миллатчилик кайфиятидаги баъзи бир ёшларни нотўғри йўлдан қайтариш муҳимдир.

Жисмоний тарбия ва спорт — ёшларнинг баркамол, соғлом бўлиб вояга етишларининг омили. Лекин истиқомат жойларида, билим масканларида, ётоқхоналарда ва меҳнат жамоаларида жисмоний тарбия ҳамда спорт ишларига кейинги пайтларда эътибор сусайиб кетди. Йиллар давомида комсомол совринни учун ўтказиб келинаётган мусобақалар, мактаб ўқувчиларининг қувноқ стартлар ўйинларини ўтказиш аҳён-аҳёнда амалга оширилмоқда. Лекин шу билан бирга унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, янгиларини барпо этиш ёмон аҳволда.

Биргина Наманган шаҳрида сўнгги ўн йил мобайнида атиги иккита сузиш ҳавзаси қурилганлигини қандай баҳолаш мумкин? Ўн еттита болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидан фақат биттасигина ўз базасига эга, холос. Мактабларнинг иккитасидан бирида спорт зали йўқ. Сузиш ҳавзаси эса 37 мактабга битта тўғри келади.

Пленумда мана шу ва бошқа соҳалардаги камчиликлар, нуқсонлар атрофлича таҳлил этилди. Ёшларимизни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши ҳамда уларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш юзасидан аниқ таклифлар, мулоҳазалар ўрта ташланди. Задарё ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби И. Собиров, Наманган комсомол талабалар уюшмасининг президенти, Тошкент машинасозлик олий билимгоҳининг Наманган филиали толиби А. Аҳмедов ва бошқалар долзарб масалалар юзасидан тўхталиб ўтдилар.

Пленум билдирилган таклифлар ва тавсиялар юзасидан қарор қабул қилди. Вилоят фирқа ва комсомол қўмиталари ўзларининг қонун лойиҳасини таклиф этиш ҳуқуқидан фойдаланиб, «Ёшлик» ҳаракатномаси лойиҳасини халқ депутатлари вилоят Шўросининг навбатдаги сессиясига киритадиган бўлди. Сессияга қадар ҳаракатномани маромига етказиш, билдирилган таклифлар ва мулоҳазаларни эътиборга олиш билан бойитиш вилоят фирқа ва комсомол қўмиталари бюроларига топширилди.

«Ёшлик» ҳаракатномасида ёшлар сиёсатини амалга ошириш борасида қилинадиган ишлар, ўтказиладиган тадбирлар аниқ баён қилиб берилган. Жумладан, унда талабалар ва ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этиш, йигит-қизларни вақтинчалик иш билан таъминлаш учун вилоят комсомол қўмитаси қошида «Вилоят ёшларининг кўнгилли меҳнат бирлашмаси» тузиш назарда тутилган. Вилоят корхоналари ва хўжаликларига ушбу бирлашма билан шартнома тузиш ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратиладиган маблағларнинг бир қисмини унга қарз бериш назарда тутилган. Ана шу тадбир 1991-1995 йиллар мобайнида рўёбга чиқарилади.

Ёшларнинг иқтисодий ташаббусларини, уларнинг тадбиркорликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида халқ депутатлари вилоят, шаҳар, ноҳия Шўроларининг ҳам мазкур соҳада амалга оширадиган ишлари баён қилинган. Косонсой ноҳиясининг Наманган шаҳрига яқин жойлашган еридан 5 гектари «Байналмилал» боғ-томорқа ўртоқчилигини ташкил этиш учун байналмилалчи ва заҳирадаги жангчилар кенгашига ажратиш ҳам белгиланган. Шунингдек, халқ ҳунармандчилиги, косибчилиги марказларини ташкил этиш борасида ҳам аниқ тадбирлар белгиланган. Ёш оилаларга шахсий уй қуриш, хонадон олиш ва жойлашишда ёрдам кўрсатиш мақсадида «Оромгоҳ» ёшлар турар-жой комплексининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга вилоят ижроия қўмитаси 2 миллион сўм қарз ажратиши ҳам назарда тутилган.

Ҳаракатномада комсомол ташкилотлари халқ депутатлари Шўролари ижроия қўмиталари билан ҳамкорликда тўй маросимларини ўтказиш, ёш ногиронларга ёрдам кўрсатиш, хайрия жамғармаларини ташкил этиш ва бошқа бир қатор тадбирлар ҳам белгиланган. Шунингдек, ўқишда аъло натижаларга эришаётган ўқувчи ва талабаларнинг нафақасини ошириш мақсадида 42 минг сўм маблағ ажратиш, шунингдек, кам даромадли ўқувчи ва талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун биродарлик жамғармасидан ўн фоиз пул маблағи бериш тўғрисидаги вилоят касаба уюшмаларининг таклифи қўллаб-қувватланган.

Ёшларни маънавий ва маданий ривожлантириш соҳасида ҳам амалий тадбирлар белгиланган. Жумладан, ёшларнинг тарбияси ва билим сифатини ошириш, миллий ва миллатлараро муносабат маданиятини шакллантириш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳам диққатга сазовордир. Масалан, тожик, қирғиз, рус ва бошқа қардош халқлар анъаналари, маданиятига бағишланган байрамлар, турли хил кечалар ўтказишга, халқларнинг урф-одатлари ва анъаналарини тарғиб қилувчи бадиий ҳаваскорлик дасталари, миллий-маданий марказлар тузиш назарда тутилган. «Санъат байрами» болаларнинг вилоят фестивалини ўтказиш, ёшларнинг тасвирий санъат ва ўймакорлик кўргазмаларини ташкил этиш белгиланган.

Ҳаракатномада 1992 йилда вилоят ёшлар рўзномасини ҳамда телестудиянинг иккинчи навбати ишга тушиши билан «Ёшлик» таҳририятини ташкил этиш, йигит-қизларнинг сайру-саёҳатларига ҳар йили 4 мингдан зиёд ёшни юбориш, 300 ўринли ёшлар саёҳат комплекси қурилиши учун жой ҳамда капитал қурилиш режасини ишлаб чиқиш ва бир қатор бошқа аниқ тадбирлар белгилаб олинган.

Вилоят фирқа ва комсомол қўмиталарининг қўшма пленуми ҳозирги давримизнинг ўзига хос мураккаб муаммоларини ҳамжиҳатлик билан биргаликда ҳал қилиш соҳасида қўйилган ижобий қадам деб айтиш мумкин. Фирқа, комсомол ташкилотларининг ёш авлод билан ишлашдаги ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги йигит-қизларни юксак ғоявий-ахлоқий руҳда тарбиялашда, фаол ҳаётий позициясини, шўро ватанпарварлиги ва байналмиллалик фазилатларини шакллантиришда, уларнинг жамият ва ишлаб чиқаришни бошқаришда Шўролар ҳамда меҳнат жамоалари кенгашлари орқали ҳақиқий иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.



Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳуриятининг Беруний ноҳияси аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли «Баҳор» тикувчилик уйи хизматидан аҳоли мамнун бўлмоқда. Мохир тикувчиларнинг ишбилармонлиги туфайли шундай олқишга эришилмоқда.

Сиз суратда кўриб турган Анор Момутова ҳам ана шундай сергайрат чеварлардан бири. У икки йилдирки, ҳамюртларига сифатли ва бежирим кийим-кечаклар тикиб, обрў-эътибор қозонмоқда.

Р. ЎТАМУРОДОВ олган сурат.

Акс-садо

АСРИМИЗ МЎЪЖИЗАЛАРГА БОЙ

Кўнгли ғам, ташвишли, танаси дардли одам борки, ҳар бир кимсадан, ҳар бир нарсадан нажот истайди. Тангадек нур тушган жой кўзига қибла бўлиб кўринади. Илинж билан яшайди. Хабар етган кунлар эса ихлосини қучганча ёстиққа бош қўяди. Назарида, болишлар кечагидан юмшоқроқ, илиқроқдек.

«...Олтин вақтингизни бир муштарийингиздан аямасангиз», деб ёзибди ички бир дард билан сирдарёлик мухлисимиз Зайнаб Йўляхшиева.

Дарвоқе, кейинги пайтларда таҳририятимизга шу мазмунда кўплаб мактублар келаяпти.

Мактублар... Биз уларга кўз югуртирар эканмиз, икки хил ҳисдан юрак ўртанади. Бири қувончдирким, улар бизга ишонишибди. Бири қайғудирким, улар шифоталаб, нажотталаб одамлардир.

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи ноҳиясидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Рустам Муродов ёзган хат кишини беэътибор қолдирмайди. «Почта орқали барча харажатларингизни юборар эдим. Мен бу хатни хотинимдан яшириб ёзаяпман».

Ишонинг Рустам ака, гап харажатда эмас, беморни кўрмай туриб, у ҳақда батафсил бир нарса дейиш қийин. Қолаверса, эскидан қолган яна бир гап бор: «Фолбинга ишонма, бефолбин юрма!».

Демак, фолбинлар ҳам ҳамиша ҳақ гапира вермайдилар.

«Кўпдан буён иккала қулоғим оғриб, жудаям қийнайди... Башоратчи Гулчеҳра Самадовага борсам, эшитиб кетадигандек сезаяпман ўзимни», деб ёзибди сурхондарёлик Ойсоат Чоршанбиева.

Ихлос — халос. Яна бир нарса. Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор, дейдилар. Вақтингизни бекорга сарфлашингизни истамаймиз. Ишонамизки, бизни тўғри тушунасиз. Шуниси ҳам борки, шу пайтгача бирор фолбин бемор даволамаган. «Мутахассислар умид йўқ», дейишган бўлса, кучли экстрасенслар чиқаяпти. Умидсизланманг.

Муштарийларимиз — Бухоро шаҳридан Бибиражаб Рўзиева, бекободлик Сагима Қўзибоева, боғотлик Ширин Бердиева, андижондан Соҳиба Шодмонова, Шуҳрат Омонов, Наманган вилоятининг Уйчи ноҳиясидан Яҳёҳўжа Хўжаев, косонсойлик Насиба Ғаппорова, тўрақўрғонлик Маъсуда Асқарова, Қувадан Исмонали Ашуров, Фарғона вилоятининг Фрунзе ноҳиясидан Шарофат Абдуқодирова, нарпайлик Насиба Баҳромова, тўрткўллик Рейнажон Зарипова, косонлик Тўра Муродовлар оиласи ва бошқалар рўзномамизнинг 1990 йил 7 ноябрь сонида эълон қилинган «Ҳизр бобони кўрганмисиз?» мақоласи юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган.

Асримиз мўъжизаларга бой. Ўзга сайёраликлар, учар ликопчалар, башоратчи-ю қўл текизмай даволовчилар... Лекин бу турфа олам ҳаракати — ҳамма-ҳаммаси бир-бири билан ўзаро боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

Каттақўрғонлик бир онахонимиз (исми-шарифларини ёзишни лозим топмадим) «Ўғлим бемеҳр бўлиб кетган. Оилага кўнгил тортадиган қилиб беринглар», деб нолибдилар. Онахон ўзлари тан олганларидек ўғли уйдан ташқарида ўртоқлари, умуман атрофдагилар билан жуда яхши муносабатда экан.

Агар дуо билан меҳр ришталари мустаҳкамланса эди, жумҳуриятимизнинг муллаю-имомлари бир дақиқа бўш турмасдилар, менимча.

Мактублар... Уларни бефарқ ўқиш қийин. Ҳар бир хатни «фалон башоратчининг манзилгоҳини беринглар», деб тугаллайди муштарийларимиз. Афсуски, уларнинг манзилгоҳларини маълум қилолмаймиз. Чунки аксариятида ўша маконнинг ўзи йўқ. На илож...

Қаноат БОЙХОН қизи.

МАҚБУЛ ЙЎЛ БОРМИ?

Ҳар бир фожианинг, албатта, ўз муқаддимаси бўлади. Мамлакатимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил этар экансан, бунга яна бир карра имон келтирасан, киши. Бу тўс-тўполон, бу тартибсизлик, бу хунрезликлар кимга керак ахир? Яхшироқ, фаровонроқ, эркинроқ яшашни дилига тукканодам аввал бир ўлиб, кейин тирилиши шартми? Қолаверса, кейин тириклик насиб этармикан?

Биз эски одатимизга кўра мақтовини ўрнига қўйган қайта қуриш билан баҳамти келган демократия ва ошкоралик неъматларини бу? Наҳотки, худди турғунлик йилларини дўппослаганимиз каби бир кун келиб қайта қуришга ҳам кўл кўтарсак? Қачон ўзлигимизни танийиз? Қачон ҳар бир воқеа-ҳодисани босиқлик билан баҳолайдиган бўламиз? Қачон одамга ўхшаб яшаймиз?

Қўшнинг тинч, сен тинч, деган гап бор ўзбекда. Афсуски, бугун қўшниларимиз хонадони ичига чўп тиқилган ари уясини эслатади. Энг ёмони юзага келган қалтис вазиятда ҳеч ким бир-бирига қулоқ қоқмай қўйди. Йўқ, мақсадимиз, насиҳат қилиш ёки ким кўпроқ айбдору, ким камроқ айбдор эканлигидан фол очиш эмас. Бунга, эҳтимолки, ҳаққимиз ҳам йўқдир. Лекин лоқайд қололмаслигимиз аниқ. Бундай қилишга чиндан-да, ҳаққимиз йўқ.

Куни кеча Литвада, ўтган куни Латвияда юз берган, эҳтимолки, бугун-эрта Эстонияда юз берадиган хункўрликлар бизда бўлмаслиги учун ҳам ўз муносабатимизни билдиришимиз лозим. «Вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилишнинг бирдан-бир мақбул йўли уларни мулоқот асосида, бир-бирини тушуниш ва келишиш асосида ҳал қилишдан иборат». Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раёсати ва жумҳурият ҳукумати Баёнотида бу гаплар беҳудага таъкидланганини йўқ. Мен сендан қоламанми қабилида иш тутиб, бирон барака топган эмас.

Суратларга боқиб, кўздарда ёш ҳалқаланади, тошдан яралган юраклар ҳам эзилиб кетади. Бу қурбонларнинг қони кимни тутади? Она ўз фарзандини дайди ўққа учрасин деб боққанмиди? Эридан бевақт айрилиб, бева қолган аёл худога нима ёзди? Етим қолган болаларнинг гуноҳи нима?

Афсуски, Жанубий Осетиядаги воқеаларнинг кечиши ҳам дилларга таскин беролмайди. У ерда ҳам қон тўкиляпти. Куни кеча бир дастурхон атрофида ўтириб, топганини баҳам кўришган оғаинилар бир-бирига милтиқ ўқталяпти. Фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш зиммасига тушган ички қўшинлар Цхинвали кўчаларини қўриқламоқдалар... Аммо...

— Отишма тўхтамаяпти, — дейди ССЖИ Ички ишлар вазирлиги муваққат матбуот маркази вакили А. Ростовцев. — Вақти-вақти билан отишма шаҳар марказига кўчяпти. Ярадорлар тобора кўпайиб бораяпти. Жабр чекканлар сони юз кишига етай деб қолди. Шаҳарнинг осетинлар ва грузинлар яшайдиган ҳар икки қисмида бронетехника соқчилик қилмоқда. Йигитларимиз ўзларини ўққа тутиб бермоқдалар.

Шаҳарда ҳамон корхоналар ишламаяпти, транспорт юрмаяпти. Тартибни муҳофаза қилиш органлари эътиборн Цхинвалига қаратилганидан фойдаланган жиноятчилар эса янада фаоллашиб қолдилар. Ўғрилик ва босқинчилик авж олиб бораётир.

Юзага келган бошбошдоқлик ҳар ерда кўзга ташланади. Ҳатто жумҳурият пойтахтида ҳам. 1981 йилда неча юз минг сўм эвазига Тбилисида қад ростлаган 26 Боку комиссари ёдгорлигининг бугунги аҳволини кўриб, кўзларингга ишонмайсан киши.

Эсиз қурбонлар, эсиз халқ пули...

Қайта қуришга берилган қурбонлик кўпайиб кетмадимикан?...

ТАСС суратлари.



НЕ ҚИЛАЙЛИК?

Тоғ қўйнида яшаймиз. Тирикчилигимиз мол боқиш, мева-чева, дон-дун етиштириш билан ўтади. Тамаки ҳам экамиз. Ер майдони, аҳолисининг кўплиги жиҳатидан қишлоғимиз хўжаликда энг катта. 2800 нафарга яқин киши яшайди.

Энди гапнинг индаллосига ўта қолай. Қишлоғимиз ноҳия марказидан 50 километр узоқликда жойлашган. Йўлларимиз асфальт. Шу боис 1989 йилдан бери «Шаҳрисабз — Оммағон» йўналиши бўйича автобус қатнайдиган бўлди. Кунига тўрт марта. Меҳмон келиб қолса, бозор-ўчар қилиш жуда ўнғай эди. Дастёри борлар икки соатда ишини бажариб келарди-я. Боғдорчиликка эътибор каттолигидан олма, нок, зардоли, шафтоли, олволи, қаролидан тоннатонна ҳосил оладиган оилалар бор. Очиғи уларнинг асосий даромад манбаи ҳам шу. Кимдир бозорда мева сотиб тўй қилади, бошқаси иморат тиклар, яна бири рўзғор камомадини бутлайди. Ўзбекни биласиз-ку.

Ҳаммаси автобус туфайли эди. Эплаган бир қоп, баъзилар челакда мева олиб бозорга борарди. Тирикчилик да. Айби борми бунинг? Қарангки, 1990 йил 12 ноябрдан йўналишдаги автобус тўхтатиб қўйилди. Сабаби йўл учичи даражали бўлганидан унда автобус юриши мумкин эмасмиш. Ё алҳазар! Фойдаланишга қабул қилганлар билишмасмиди буни? Наҳотки, уч йилдан сўнг хаёлларига келди? Мумкин эмаслиги. Қолаверса, нега энди бу ҳайбаракаллачиликнинг жазосини эли-улус тортиши керак?

Бизда ноҳия марказларида ишлайдиганлар бор. Улар уй-жой масаласи чатоқлигидан қатнаб ишлайдилар. Энди ўшалар нима қилишади? Йўл иккинчи даражали бўлгунига қадар иш ташлашадими? Ёки меҳнат таътили олишадими? Хуллас, жумбоқда. Бу айримларга оддий туюлар. Аммо биз учун жуда муҳим. Ахир қанча-қанча оилалар тонна-тонна меванн бозорга элтолмай, сотолмай қолди. Даромадидан айрилди. Эриш туюлсаям айтай. Энди ўша йўқотилган пулни унга ким беради? Сотилмай қолган мева-чеванинг зиёнини айтяпманда. Ёки ўрнини қоплаш учун ўғирлик қилсними?

Йўлдош ЭШМАТОВ,
Шаҳрисабз ноҳиясидаги «Москва» давлат хўжалиги механизатори.

«Қадрли «Ёш ленинчи»!

Биз рўзнома саҳифаларида босилаётган тарихий ўтмишимизга оид қатор қизиқарли мақолаларни севиб ўқиймиз. Ҳали кўп нарсаларни билмас эканмиз. Қанчалаб хатоликларимиз ёпиғлигича турибди.

Эшитишимизча, Бухоронинг сўнгги амирларидан бири Олимхоннинг ўғли Шоҳмурод шўро ҳудудида яшаб, ҳарбий академияда ўқиб, генералликкача кўтарилган экан. Агар имкони бўлса, ана шу инсон ҳақида маълумот бер-сангизлар.

Бир гуруҳ ТошДД аспирантлари номидан
М. АЛИЖОНОВ».

Худди шундай таклиф билан таҳририятимизга Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон ноҳиясидан А. Нарзуллаев ҳам мурожаат қилган. Қуйида муштарийлар эътиборига «Советский патриот» ҳафталигида босилган Шоҳмурод Олимов ҳақидаги мақолани ҳавола этяпмиз.

БУХОРО АМИРИНИНГ ЎҒЛИ

1920 йил сентябрь ойи бошларида М. В. Фрунзе қўмондонлигидаги Қизил Армия қисмлари кўҳна Бухоронн эгаллаб, Бухоро амирлигини тугатди. Унинг сўнгги ҳукмдори, 40 ёшли Саид Олимхон ҳужум бошланишидан икки кун илгари ўзининг қишки қароргоҳидан қочиб кетди...

Душанбеда вақтинча ўрнашиб олган хон Буюк Британия қиролига нома юборди. Номада дабдабали сўзлар билан Англияга абадий дўстликни таклиф этиб, ўзининг қирол «оғаси»дан ёрдам сўради. Аниқроғи, интервеция масаласини қўйди. Бироқ амир номасини кўриб чиққан Англия ҳукумати кабинетининг йиғилишида ҳарбий ёрдам бериш масаласи қурол-яроғ етказиб бериш билангина чегараланишга қарор қилинди. Саид Олимхоннинг ҳукмронликни қайтариб олиш умидлари саробга айланди.

Амирлик емирилгандан сўнг тез орада тузилган БХСЖ — Бухоро Халқ Социалистик Жумҳурияти ҳукумати амир томонидан Ҳиндистон ва Афғонистонга қанчалик катта бойлик олиб кетилганини билиб, оила аъзоларининг барчасини гаров сифатида ҳибсга олди. Халқдан тортиб олинган бойликнинг бир қисмига уларни алмаштириш мўлжалланганди. БХСЖ вакилларининг Бухоронинг собиқ ҳукмдори билан олиб борган сиртқи музокаралари икки томонлама муросага олиб келмади, «битим» тузилмади.

Ҳали ўзининг куч-қудратига ишонган Саид Олимхон ўз оиласини большевойлар қўлидан бошқача усул билан озод этишни ғазаб билан баён қилди. Бунга йўл қўймаслик учун БХСЖ инқилобий демократик ҳукуматининг бошлиғи, кейинчалик Ўзбекистон ССЖ Халқ комиссарлари Кенгашининг биринчи Раиси Файзулла Хўжаев таклифи билан собиқ амир оиласини Москвага жўнатишга қарор қилинди. Амир ўзининг қалтис режасини у ерда амалга оширишга жазм қилиши даргумон эди.

Олдиндан айтиб қўяй, сталинча қатағон қурбони бўлган Файзулла Хўжаевнинг хайрли режалари, бойликни амир оиласи аъзоларига алмаштириш йўли билан ёш шўро жумҳуриятига қайтаришга умид қилган марказдаги бошқа кишиларнинг ниятлари амалга ошмаслиги аниқ эди. Амир Олимхон эса катта қийинчиликлар билан халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамияти орқали ўз оиласининг айрим аъзолари — онаси Эшонойим, уч нафар хотини (беҳад гўзал ва эрксевар тўртинчи хотини Ойимшоҳни амир унинг вафосизлиги ҳақидаги мишмишларга ишониб, сарбозларининг кўнгилочарлиги учун ҳадя қилди), қизларини Шўролар Иттифоқидан олиб чиқиб кетишга эришди. Уч ўғли — Султон, Шоҳмурод ва Раҳим Шўро тупроғида қолди.

Уларнинг тақдири ҳар хил кечди. 12 ёшли Раҳим 1929 йилда ғойиб бўлди. Собиқ амирнинг одамлари интернат тарбиячисини оғдириб олиб, уни ўғирлаб кетдилар. Саккиз йил ўтгач, тўнғич ўғли Султон ўлди. Сталинча қатағоннинг жодисига дучор бўлган Султон ўзига қўйилган қонунсиз айбловларга норозилик белгиси сифатида очлик эълон қилиб, қамоқхонада вафот этди. Совун заводида ишлаётган хотини унинг ўлими ҳақида эшитиб, даҳшатли қарорга келди: ўзини совун аталаси қайнаб турган қозонга ташлади...

Шоҳмурод Олимов (ўзбекона одатларга кўра, ўғиллар фамилияси камдан-кам ҳолларда ота исми билан юритилади) нинг ҳаёти осон кечмади. У 1929 йилда ишчилар куллиётини тамомлаб, Қизил Армия зобити бўлишга қарор қилди. Лекин ўша даврда ёшларнинг келажаги синфий мансублиги ва насл-насабига бутунлай боғлиқ эди. Шунинг учун собиқ амирнинг ўғли Шоҳмуроднинг Ишчи-деҳқон Қизил Армияси командири бўлиш ҳақида умид қилиши хом хаёллик бўларди. Бироқ вазиятдан чиқишнинг иложи топилди. Буни ҳозир бир томонлама баҳолаш керак эмас. Лекин ўша даврда ёш ва истеъдодли бухоролик йигитнинг бу қадами жамиятда ўз ўрнини топиш, ҳатто тирик қолиш учун ягона йўл эди.

Тез орада «Известия» рўзномасида собиқ амир ўғлининг ўз отасига очиқ хати эълон қилинди. Бу фикрнинг кимдан чиққанлиги, Шоҳуроднинг ўзига (уники эканлиги эҳтимолдан узоқ)ми ёки бошқа бировга тегишлилиги ҳали номаълум. Лекин шуниси аниққки, бу «хат» Ш. Олимовнинг кейинги тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Олдинни кўра билган бу хат матнида «Известия» рўзномаси шундай деб ёзди: «Биз ўғилнинг ўз отаси Саид Олимхонга хатини эълон қилаяпмиз,. Бухоронинг собиқ амири ўз мол-мулкига рус чоризми ҳомийлигида ҳукмронлик қилди ва подшонинг содиқ хизматкори эди. Бухоро меҳнаткашлари томонидан қувилганидан сўнг Афғонистоннинг номаълум бурчагида муҳожирликда яшаяпти. Ўша ёқда у Шўроларга қарши мурожаат билан чиқди. Натижада босмачилар Гарм ноҳиясида давлатимизга ҳужум қилди.

Шоҳмурод — амирнинг ўғли бошқа, социалистик лагерда яшаяпти. Москвада ишчилар куллиётида ўқияпти. У — собиқ ўғил отасининг беўйлов хатти-ҳаракатларини билгач, унга ўзининг биринчи ва сўнгги хатини ёзмоқда».

Сўнгра хатнинг ўзи босилган.

«Мен ўз ҳаётимда сенга биринчи ва сўнгги марта хат ёзаяпман. Мен ўртамиздаги қандайдир алоқаларнинг яхшиланиб кетишини истамайман. Бироқ кейинги воқеалар сенга юрак қоним билан хат ёзишга мажбур қилди.

1917 йилда инсоният тарихида дунё биринчи марта иккита лагерга— капитализм ва социализм лагерига бўлинди. 1918 йил ҳам кирди. Ўша вақтда сенинг давлатингда қарама-қаршиликлар кучайди. Сенинг ҳукмронлигинг даврида Регистон шафқатсиз зулмга қарши бош кўтарган деҳқон ва камбағалларни талаган, сенга ўхшаган одамлар билан лиқ тўла эди. Сен ҳар хил айшу ишратга беридинг.

Биз ота ва бола бўла туриб сен билан йилига бир мартагина учрашардик. Бошқа вақтда эса (уч ака-ука) ўз оналаримиз билан хоинлар орасида яшардик. Мен ҳозиргача онамнинг нолишларини эсдан чиқарганим йўқ.

Мана, олти йилдан буён бутун Иттифоқнинг иқтисодий ва сиёсий маркази бўлган Москвада ўқияпман. Шу ерда ишчилар куллиётида билим олдим. Дўстларим ва ўртоқларим жамоасида яшаб, сен қанчалик бағритош ва ўз ҳаракатларингда ноҳақ бўлганингни англадим. Сендан нафратлана бошладим. Менинг отам йўқ деб ҳисоблайман ва сенга ўз ўғлингни ёддан чиқаришингни маслаҳат бераман. Сенга менинг охирги сўзларим шундай: Сен билан бир умрга хайрлашамиз. Агар тақдир бизларни учраштирса, у вақтда душманлар сифатида дуч келамиз.

Собиқ ўғлинг Шоҳмурод».

Отасидан бундай ошкора юз ўгириш Шоҳмурод Олимовга ҳарбий муҳандислик академияси эшикларини очди. У 1934 йилда ўқишни тугатиб, хизмат қилиш учун академияда қолди.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлариданоқ Ш. Олимов фронтда бўлди. Юқори малакали зобит-муҳандис бўлган Шоҳмурод Қизил Армия қисмларининг сув тўсиқларидан кечиб ўтишини таъминлади. Душман қучларининг тумшуғи тагида кўприкларни бузди, мустаҳкам истеҳкомларни қуриш ва тиклаш ишлари билан шуғулланди, миналаштирилган тўсиқлар ўрнатишга раҳбарлик қилди. Бир сўз билан айтганда, у уруш шароити ва ҳарбий ҳаракатлар тақозо этган ҳар қандай оғир ва ўлим билан баробар ҳавфли топшириқларни бажарди. Ўзининг ватанпарварлик ва шўро зобитининг ҳарбий бурчини ҳалол ва сидқидилдан адо этди.

Даҳшатли урушнинг қонли чангали унга ҳам тегиб ўтди. Қримдаги жанглар пайтида кўприкни зарарсизлантиришда минага учради. Бир оёғидан ажралди. Лекин армия сафидан кетмади.

Қизил Байроқ ордени ва бошқа жанговар мукофотлар соҳиби тузалганидан сўнг хизматни давом эттириш учун қадрдон академиясига жўнатилди. Бу ерда фронтчи зобит ўз билими ва жанговар тажрибасини бўлажак командирларга ўргатди. Шоҳмурод Олимов ўқувчиларидан кимдир ҳозир ҳам армияда хизмат қилаётган бўлиши мумкин ва балки тингловчиларга лекция ўқиш учун ҳасса билан келадиган, камгап, қовоғи солиқ кафедра бошлиғини эслашар...

Яқинда Москвада йирик муҳандис-қурувчи, заҳирадаги зобит, ҳарбий академиянинг собиқ битирувчисини учратдим. У бағри кенг ўқитувчиси — Олимовни яхши эслайди. Бироқ бу одамнинг насл-насаби, ғалати тақдири ҳақида билгач ҳайрон қолди.

Амирнинг ўғли ўз тақдирини бир умрга Ватан тақдири билан боғлади — у мамлакатимиз ва халқимиз учун оғир бўлган даврларда яшади, ўқиди, жангга кирди ва хизмат қилди.

Тўғрисини айтганда, Ш. Олимов оптимист эмасди. Хизматдошлари унинг ғамгин ва одамови эканлигини таъкидлашди. Унда ҳаммага — воқеаларга, одамларга нисбатан эҳтиёткорлик мавжуд эди. Бу уруш туфайли эмас, балки Олимов доимо руҳий ва асабий таранглик исканжасида яшаган ҳаёт мажмуаси оқибати эди. У — собиқ Бухоро амирининг ўғли, отасидан ошкора юз ўгирган бўлса-да, дуч келган кишини сотқин деб гумонсировчи «авлиё»ларнинг ғайр эътиборини (бу ҳақда очиқ айтиш керак) жалб қилган ва тортиши мумкинлигини биларди. У ўзининг хавфдан холи эканлигига ишонмасди. Айниқса, сталинча оммавий қатағон даврида бунга ишониб бўлмасди. Ахир, ўшанда ҳеч ақл бовар қилмайдиган тозалашлар рўй бериб, кўплаб одамларнинг ҳатто машҳур, ҳамманинг назарига тушган насл-насабли кишиларнинг фожиасига айланди. Ўз жамоаларида ҳақиқий, виждонли кишилар нобуд бўлдилар.

Тақдирнинг бу фожиали муюлишида мамлакатимизда ҳеч кимга, айниқса, Шоҳмурод Олимовга қутулиб қолиш учун кафолат йўқ эди. Бунинг устига унинг синфий мансублиги ва бошқа қора доғ ҳам қўшилди — туғишган акаси «халқ душмани» бўлиб чиқди ва қатағон қилинди. Бунинг ҳаммаси зобитнинг ҳаёт тарзи ва характерига таъсир қилмасдан қолмасди.

Амир саройида ёш рақкоса бўлган Ўзбекистон ССЖ халқ артисти М. Ёқубова Шоҳмуродни ёшлигидан билар ва умрининг охиригача у билан алоқани узмади. У қизи Тамарага Шоҳуроднинг одамларга аралашмайдиган бўлганлиги ва ўз ўтмиши ҳақида деярли ҳеч қачон гапирмаслигини айтган.

Уруш даврида, Олимов фронтда қаттиқ жароҳатланганда «юқори»нинг кўрсатмаси билан уни махсус поездда Москвадаги госпиталларнинг бирига олиб келишган. Тиббий комиссиядан кейин, уни ногиронлигига қарамасдан, армияда қолдиришди ва генераллик даражасигача хизмат қилди. Бу ўз-ўзидай кўп нарсани англатадиган, камдан-кам учрайдиган ҳолдир.

Шоҳмурод Олимов барибир эҳтиёткорлик қиларди. Эҳтимол, насабий юк, мамлакатдаги қўрқув ва шубҳаланиш шароити уни эзарди. У истеъфога чиққандан сўнг ҳатто фамилиясини ўзгартиришга уриниб кўрди. Нима учун? Сабаби—оддий. Шўролар Иттифоқига келган амирнинг бошқа ўғилларининг болалари— укалари уни бир неча бор излаганини билиб қолди. Ўша пайтда бу нималарга олиб келишини биласизми? Айтганча, улардан бири — Саид Темур ўз амакисини адреслар столи орқали топишга эришди. Афғонистон халқ демократик фирқаси аъзоси, Киев давлат дорилфунунининг фалсафа куллиёти битирувчиси Саид Темур амакисининг қабулидан хафа бўлди.

— Сиз ҳозир бу ердасиз, — деди Олимов, — ДХҚ эса бу ҳақда аллақачон билади.

— Хўш, нима бўпти? — ҳайрон бўлди.

— Бу яхши эмас, ўзингиз тушунасиз...

Ҳар бир давр, албатта одамларнинг характери ва хулқида ўз изини қолдиради. Шоҳмурод Олимов бизнинг асримизда, мамлакатимизда дунёга келди ва яшади. Шўролар ҳукуматига ҳақиқий хизмат қилди. Чамаси, шундай бўлиши ҳам керак эди. Зеро, бир жамиятда яшаб турган, унинг қизиқишларидан четда туриш мумкин эмас...

М. ГОРБАЧЕВ.

(«Советский патриот» ҳафталигидан М. ТАНГИРОВ ўгирган).

Ахлоқ мавзуида

ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Оламда мўъжизалар жуда кўп. Шулар ичида энг мукаммали инсон, — деган эди донишмандлардан бири. Бир хил одам фақат ўз манфаатини кўзлаб иш тутса, иккинчи хили бошқалар олдидаги масъулияти борлигини онгли равишда ҳис қилади. Ана шу икки хил қарама-қарши кучлар кураши инсонни ахлоқий юксакликка кўтаради. Масъулиятли одамларнинг онгли фаолияти узоқни яқин қилади, жамият, оила ҳаётининг ўзига хос маромини белгилайди.

Ахлоқ назарий система бўлиб қолмасдан, балки амалий такомилликдир. Одам ҳаётни, ҳеч бўлмаса шахсий ҳаётни ахлоқли қилишга интилсагина одоб-ахлоқ чўққиларига кўтарилади. Аждодларимиз инсоний покликка интилиш йўлида катта-катта ютуқларга эришишди, худди шундай мағлубиятларга ҳам учрашди. Ҳайрон қоладиган томони шундаки, одамзод қанча кўп ахлоқий такомилга интилса, шунча орқада қолаётганини тушуниб қолади.

Тарихнинг ахлоқий ҳақиқатини эгалламасдан туриб, ахлоқнинг тарихий ҳақиқатини била олмаймиз. Бу дегани ўтмишда яхши нарсалар билан бирга ёмон нарсалар борлигини кўра билиш, ўтмиш ахлоқи билан бугунги ахлоқнинг ажратиб бўлмайдиган мустаҳкам алоқаларини тушунмоқ лозим.

Биз бугунги кун камчиликларини, хатоларимизни оқлаш учун воқеаларга бой тарихимизнинг фақат ёмон томонларини кўрсата бошладик. Ёшларга намуна сифатида намойиш қиладиган ҳеч нарсамиз қолмади. Шунинг учун ҳам уларда сизнинг нимангизга ишонамиз, деган эътироэлар, саволлар туғила бошлади. Назарий томондан тўғри бўлган идеалларимизга ишонмасликни ўзимиз шакллантирмоқдамиз.

Яқин ўтмишдаги нохуш ҳолларни, бугун ҳам давом этаётган кўнгилсизликларни адолатли танқид қилиш қайта қуриш эҳтиёжларидан, демократия ва ошкоралик, принципларидан келиб чиқади. Чунки жамиятнинг ахлоқий соғломлиги, софлиги кўпинча хулқ-атворга боғлиқ бўлиб қолди. Шундай қилиб қайта қуриш ва ахлоқ амалий изланишларимиз, назарий ўйларимиз майдонига айланиб қолди.

Социалистик ахлоқ соҳасидаги камчиликларимизни япирмоқ учун АҚШ ва бошқа капиталистик мамлакатлар ҳаётидан мисоллар келтириб қоралайвердик. Оиламизда тинчликнинг йўқлигини хас-пўшлаш учун бошқа мамлакатлар оилаларидаги низоларни бўрттириб кўрсатдик. Ёшларимиз ахлоқий нормаларининг бузилиб кетаётганлигини катталарнинг юриш-туришидан эмас, уларнинг ўзидан изладик.

Ёшларни одоб-ахлоқ руҳида тарбиялаш тўғрисидаги кўрсатмаларни Москвадан — марказдан кутдик. Марказ эса ҳамма миллатлар учун бир хил программа ишлаб чиқиб, бошқа миллатларнинг ўзига хослигини, уларнинг ўтмишидан узиб қўйиш оғир оқибатларга олиб келишини эътиборга олмади. Натижада ўтмишимизни деярли унутиб қўйдик.

Ахлоқий мантиқ бизнинг ўзимизда нималар бору бошқа миллат, халқ ва элатлардан нималар олиш мумкин? — деган масалани ўртага қўймоқда. Бугун ота-оналар, қайнота ва қайноналар, куёв ва келинлар оиладаги келишмовчиликларнинг кўплигидан, оилаларнинг парчаланиши ва тирик етимларнинг ошиб бораётганидан ташвиш тортишмоқда.

Бунинг бир неча сабаблари бор. Фирқа, шўро органлари ўзларининг бевосита ишлари билан шуғулланмай қўйдилар, инқироз кучайди. 80-йилларга хос бўлган ахлоқий вазият масалалари билан ёзувчилар, шоирлар, публицистлар, айрим журналистлар дурустгина шуғулландилар. Аммо файласуфлар, этика фанларидан сабоқ берадиганлар бу долзарб масалаларга нисбатан бефарқ қарамоқдалар.

Ростини айтиш керак. Биз оилада, мактабда, олий ўқув юртларида ёшларнинг юриш-туришига алоҳида эътибор бермаяпмиз. Ваҳоланки, шахснинг ички дунёсини шакллантирмасдан олдимизда турган мураккаб вазифаларни ҳал этиш мумкин бўлмайди. Ички ахлоқий дунё шакллантирилмаса, жамиятдаги ахлоқ нормаларини бажариш онгли бўлмасдан, қўрқув асосида бажарилади. Бунинг самараси бўлмайди.

Яқинда ёшларнинг тарбияси билан шуғулланадиган бир гуруҳ олимлар Америқо ва Шўро ёшларига: сиз жамоат тартибини бузмайсиз. Бунда уят ҳал қилувчи роль ўйнайдими ёки қўрқув, деганда америқолик ёшларнинг 90 фоизидан ортиғи уят, Шўро ёшларидан 85 фоизи эса қўрқув ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб жавоб беришган.

Мактабдаги аҳволимиз жамиятдаги ҳаётимизга ўхшайди. Биз катталар деярли ҳар кунн бир-биримизни алдаймиз. Ука опадан, дўст дўстдан пора олишдан қайтмайди. Ёшларда ана шундай дунёқарашни «шакллантираяпмиз».

Ҳаётимизнинг кўп соҳаларидагидек маънавий поклик ҳам танглик ҳолатига тушиб қолди. Ўғрилик ва порахўрликка қарши курашиш натижа бермаяпти. Одамларнинг турмушидаги ҳузур-ҳаловат бузиляпти. Лавозим учун бўлаётган кураш кишиларни икки қарама-қарши томонга бўлиб юбораяпти. Томонлар ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун ҳеч нимадан тойишмаяпти.

Тўғри, демократия ва ошкоралик халқ орасидан ҳақиқий курашчиларни, ҳўжалик юритишнинг янги типдаги раҳбарларини келтириб чиқараяпти. Лекин уларнинг намуна кўрсатиш имкониятлари буйруқбозлик ва маъмурий тўрачиликнинг оғир ғилдираклари тагида қолиб кетмоқда. Ҳақиқий адолат бўлмаса, оммавий ҳаракат шакллаймайди. Оммавий ҳаракат кўлами қанча кенг бўлса, жамият олдида турган мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўладиган ташаббускор кадрлар шунча кўп етишиб чиқади.

Тошкент, Самарқанд, Андижон олий ўқув юртлари талабаларининг айтишига қараганда, фақат 30 фоиз атрофдаги абитуриент ўз кучи билан, қолган 70 фоиз ўқиётган талабалар таниш-билиш ва пора ёрдами билан ўқишга киришади. Шундай олий билимгоҳлар борки, биронта ҳам толиб, толиба ўз кучи билан кирмайди. Улар олий ўқув юртларига қандай киришса, қандай тамом қилишса, шундай ишга жойлашишади.

Афсуски, ҳаётимиздаги бундай нохуш ҳодисалар қисқа вақтда пайдо бўлган эмас. Иш билан сўз бирлигининг йўқлиги туфайли юзага келди. Ҳамма билади, шундай вақтлар бўлдики, сўзи билан иши бир раҳбар топилмай қолди. Ҳатто «қўли етганнинг — оғзи етади» деган мақол пайдо бўлди. Бундай ҳолат фақат камчиликмас, балки фожиадир.

Демократия ва ошкоралик шароитида ундан қутилишнинг имконлари пайдо бўлмоқда. Халқ тарбиячига айланмоқда. Тарбиячи — халқ ҳар қандай доҳий ва раҳбардан устун бўлади. Унинг оммавий таъсир кучини оширмоқ керак. Шунда одамлар ёзилган ва ёзилмаган қонунларни ҳурмат қиладиган бўладилар. Ахлоқ нормаларининг кучи қонун кучи даражасидан баланд бўлмоғи керак.

С. УТАНОВ,
Низомий номли Тошкент давлат муаллимлар олий билимгоҳи дин, атеизм тарихи, этика ва эстетика кафедрасининг мудири, доцент.

XX АСР КУНДАЛИГИ

Жон Леннон синглиси Жулия ва биринчи рафиқаси Синтия билан бирга акс этган ушбу сурат Гамбург (ОФЖ) шаҳрида жаҳонга машҳур мусиқачи ва хонанда тавваллудининг 50 йиллиги тантаналари пайтида олинган. Шу куни Жулия севимли акасига «менинг акам Жон Леннон» китобини тақдим этган эди.

ДПА — ТАСС сурати.

ИККИНЧИ ФРОНТ ОЧИЛДИ

Кейинги кунларда Форс кўрфазидаги ҳарбий-стратегик вазият ва воқеалар ривожига катта таъсир кўрсатадиган жиддий ўзгаришлар бўлди. Авваламбор Ироққа қарши турган иттифоқчилар амалда иккинчи фронтни очишди: биринчи марта Туркия ҳудудидан кўтарилган ҳарбий тайёралар Саддам Ҳусайн қўшинига зарба беришди. Иккинчиси: Ироқ президенти АҚШ ва унинг гумашталарига қарши муқаддас ғазоватга чақирганди. Сурия ва Миср бунга қатъиян қарши чиқишди. Сурия вазирларидан бири Саддам Ҳусайнни қоралаб уни исломдан ўз манфаати йўлида фойдаланишда айблади. Ва ниҳоят учинчиси Тель-Авив Ироққа қарши зарба беришдан воз кечди.

Уруш эса тобора шиддатли тус олиб, кўлами кенгайиб бормоқда. Иттифоқчилар ҳамон Ироққа ёпирилиб бомба ташлашмоқда. Шу кунгача уларнинг авиацияси 7 мингдан зиёд учиш қилган. АҚШнинг денгиз пиёдалари ва Буюк Британиянинг бронетанк қўшинлари олдинги марраларга — Қувайт — Саудия Арабистони чегарасига келтирилиб, ҳужумга шайлаб қўйилган.

Якшанбадан душанбага ўтар кечаси Ироқ Саудия Арабистонига 10 та ракета отиб, зарба берган. Америқолик ҳарбийлар Эр Риёд ва Даҳран шаҳарларига отилган бу ракеталардан 9 таси уриб туширилди, дейишганди. Бироқ Саудия Арабистонидаги хорижлик журналистларнинг хабарлари юқоридаги гапларни инкор этмоқда. Эр-Риёд ва Даҳранда кучли портлашлар бўлиб, одамлар ўлган. Ироқ ойнаи жаҳон орқали асирга олинган 7 учувчи кўрсатилган: уч нафари америқолик, иккиси англиялик, италиялик ва қувайтликдир.

Уруш кўлами кенгайган сари минтақадаги вазият ҳам мураккаблашиб бормоқда. Гарчи Миср ва Сурия Саддам Ҳусайннинг чақириғини рад этишган бўлишсада Муборак ҳукумати қаттиқ тазйиқ остида ишламоқда. Эрондаги радикал кучлар ҳам ҳукуматдан бетарафликни «йиғиштириб» тўла тўкис Ироқни қўллаб-қувватлашни талаб этишмоқда. Покистон эса агарда Исроил Багдодга зарба бергудай бўлса «мусулмон миллати» тарафида бўлишини айтган. Иордания ҳукуматидан Ироқ билан ҳарбий иттифоқ тузишни, Ливия ва Марокко эса Туркиядан АҚШнинг ҲҲК учун аэродромларни ёпишни талаб қилишяпти. Лекин айни кунлардаги араб дунёси, умуман мусулмон оламидаги вазият кўпроқ «бўлинганни бўри ер» деган мақолни эслатади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

СПОРТЧИНИНГ МАСЛАҲАТИ

● СПОРТ билан шуғулланган кишининг узоқ умр кўришини ҳамма билади. Англия бадминтон спорти фахрийси Жилфорд Жуди бу фикрни яна бир марта исботлади. Унинг айтишича, ҳафтасига — уч марта, ойига — 12 марта, бир йилда — 144 марта бадминтон ўйнаган киши кўп яшар экан. Жуди бувининг бу сўзларига бутунлай қўшилиш мумкин. Ахир 75 ёшли бу онахонни кўрган одам унга 35 ёшдан кўп бермайди-да!

ИТАЛИЯДА ҚАНЧА УЗОҚ УМР КЎРУВЧИ БОР!

● АНСА агентлигининг хабарига кўра, Италияда бугунги кунда 1660 нафар юз ва ундан катта ёшдаги киши истиқомат қилар экан. Уларнинг кўпчилиги Тоскан вилоятида яшайди. Доменнко Состаи Апеннин ярим оролида яшовчи энг кекса одам ҳисобланади. У 1880 йили Калабриядаги Сан-Соти деган жойда туғилган бўлиб, бугунги кунгача ўз манзилгоҳини ўзгартирмаган.

АВТОСАЁҲАТЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

● НАМИБИЯДАН бирор ерга бориш учун кўчада туриб машина кутиш шарт эмас. Мамлакатдаги бошқа шаҳарга ёки қўшни Жанубий Африка Жумҳуриятига борувчилар учун радиодаги махсус эълонлар программаси хизмат қилади. «Мен Виндхукдан Йоханнесбургга олиб бориб, яна орқага қайтариб келувчи бирор ҳайдовчини излаяпман. Қуйидаги телефонга қўнғироқ қилинг...» «Наташа Кемптаун шаҳрига бормоқчи. У машинасини галма-галдан бошқариш учун ҳайдовчилик ҳуқуқини берувчи қужжати бўлган бирор кишини қидирмоқда». Бундай эълонлар мазмуни — биринчидан, йўл ҳаражатини биргаликда кўтариш бўлса, иккинчидан, йўл азобини икки киши тортган яхшида. Ахир, Йоханнесбургдан Виндхуккача — 1.800 километр бўлса, Дурбангача ундан ҳам кўп — 2.240 километр. Намибия ва Жанубий Африка Жумҳуриятн йўллари шу қадар равонки, унда баъзи бир ҳайдовчилар автомобилни соатига 150 километр тезликда бошқариш мумкин. Шундай экан, бу йўлларда янги таниш билан юриш манзилни яқин қилади.

Хабарларда олам нафаси

● ВАШИНГТОН. АҚШ маъмурияти «учинчи дунё» мамлакатларига кимёвий ва бактереологик ашёларни экспорт қилишни камайтиришга қарор қилди. Бундан ташқари уларга ҳисоблаш ва бошқа замонавий техника бериш ҳам қисқаради.

● БУДАПЕШТ. Венгриянинг пойтахти ва қатор шарқий ноҳияларида, жумадан шанбага ўтар кечаси номаълум учувчи жисм (НУЖ) кўринган.

● ПЕКИН. Хитойнинг Юньнан вилоятида Мэйли тоғидаги чўққини забт этишга бориб бедарак йўқолган 11 япон ва хитойлик альпинист ҳамон топилгани йўқ. Улар билан радиоалоқа 4 январда узилиб қолганди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистондаги асосий оппозициячи фирқа — Бҳаратия жаната партн (БЖП) раҳбари Л. К. Адвани бўлажак сайловларда парламентнинг қуйи палатасидаги 500 ўрин учун 150 номзод кўрсатилишини айтди. Ҳозирги пайтда эса мазкур фирқа 86 ўринга эга.

● ҚОҲИРА. Миср пойтахтининг кўчаларидан бирида кутилмаган фожиа юз берди. Бабаш — Шаария ноҳиясидаги 4 қаватли уйнинг қулаши натижасида 6 киши ўлди, етти киши ярадор бўлди.

● МОНРАВИ. Либериянинг вице-президенти Гарри Монниба ўтган йилнинг август ойидан бери муваққат президент бўлиб турган Амос Сойернн бу вазифани эгаллаб туришга конституцион ҳуқуқи йўқ деди ва ўзини президент деб эълон қилди.

● ШРИ-ЛАНКА. Мамлакатнинг ҳарбий раҳбарияти Жафна ва Килиноччи шаҳарларида фавқулодда ҳолат жорий этилганини эълон қилдилар.

● КОЛУМБИЯ. Ўтган ойда ҳукумат қўшинлари Колумбия инқилобий қуролли кучлари ва сўл гуруҳлар штабини эгаллаб олишгач, террорни авж олдирдилар.

(«ХХ аср кундалиги» марказий матбуот материаллари асосида тайёрланди)

Имтиёз — халқ меҳридир

(«ИМТИЁЗ» МАҚОЛАСИГА КЕЛГАН МАКТУБЛАРНИ ЎҚИБ)

ОРЗУ... Бу сўз замирида полопонинг осмонни қумсаши янглиғ орзиқиш, ғунчанинг очилиш иштиёқида нурга ташналиги каби талпиниш бор. Эзгу нарсаларни орзу қилаётган одам ана шу кўнглидаги нияти билан атрофдагилардан баландроқ, улуғроқдир.

Орзунинг амалга ошишига тўсиқ мавжуд бўлса-чи? Бу орзуга эришишга фалон имтиёзли кишилар лойиқ дейишсачи? Ундай ларзани тақдир ҳеч кимнинг бошига солмасин. Зеро, бу аянчли лаҳзадаги ўкинч беозор кўнгил шишасини беомон синдиради. Ҳаётга қизиқишни сўндиради. Бошига ана шундай кун тушган инсон ўз кўнглидагини кўпчиликка изҳор этса аймми? Балки у ўз синган кўнгил шишаси ҳақида эмас, ўзгалар қалбида ҳам тақдир зарбасидан яра қолмаслигини истаб мулоҳазасини ошкор қилгандир?

Ж. Нуримматовнинг «Имтиёз» мақоласи ва унга муносабат билдирган муштарийларимизнинг жавобларини ўқир эканман, дастлаб ана шулар хаёлимдан ўтди. Ёдингизда бўлса, муаллиф ушбу мақолада айрим олий билимгоҳларда тайёрлов бўлимларига асосан «афғон»лар қабул қилинади, деган баҳонада баъзи орзумандларнинг ҳужжатлари қабул қилинмаётганини таъкидлаган, билим савиясидан қатъи назар «афғон»ларни олий ўқув юртларига қабул қилиш борасидаги имтиёзлар ўзини оқлашига шубҳа билдирган эди. Кадрларнинг етарли малакали эмаслигига ҳам асосий сабабларидан бири ана шу имтиёз эканлигини қайд этар экан, Ж. Нуримматов «афғон»ларнинг уй, машина олишдаги имтиёзларини сақлаган ҳолда мамлакатимиз, халқимиз манфаати ҳақи ўқишга киришда ва билим олиш давомида уларга имтиёз берилмаслигини таклиф этган эди.

Ушбу мақолага юзга яқин муштарийлар муносабат билдирдилар. Улар, кўпчилигининг мақолага муносабати салбий бўлиб, бу муштарийларнинг 90 фоизи эса айнан «афғон»ларнинг ўзларидирлар.

«Ж. Нуримматов ўзининг капта ўйлаб ёзган бу мақоласи билан афғонда хизмат бурчини ўтаган мард йигитларни ҳақорат қилди. Биз байналмилал жангчилар қаттиқ туриб талаб қиламизки, матбуот орқали ноўрин ҳақорати учун у кечирим сўрасин», дейди жумладан ТошДД қуқуқшунослик куллиётининг 3-курс толиблари Х. Одилов ва Ш. Раббимовлар. Таҳририятимизда уларнинг толиблар имзоларини тўплаб йўллаган шу мазмундаги бошқа мактублар ҳам бор. «Афғонлар деганда мен аксарияти кашшоқ оилаларнинг суюкли, меҳрибон фарзандларини тушунаман. Пулдор, мансабдор кимсалар ўз болаларини бундай қонли урушга юбормаслиги йўлини қилганлар. Аслида бу — халқнинг таҳқирланган қатламига берилган имтиёз эмасми!» «Мен ўйлайманки, бу имтиёзлар ҳали ҳам ози, — ушбу сатрлар СамДД толиби У. Қобилов ҳамда меҳнат фахрийси Х. Добиловларнинг мактубларидан.

Яна бир қатор муаллифлар ҳам борки, улар мақолани «Афғонистонда хизмат қилганларнинг бутун имтиёзлари бекор қилинсин», мазмунида нотўғри тушуниб, қизиққонлик қилганлар. Улар мақолани яна бир карра қайта синчиклаб ўқисалар «афғон»ларга имтиёзларни бериш керак деган фикрга эътибор берарлар деб ўйлайман. Зеро, баҳслашаётганда асосан баҳс нима устида бораётганлигини аниқлаб олиш муҳимдир. Шу ўринда Ж. Нуримматов «афғон»ларни биринчи навбатда ўқишга қабул қилиш имтиёзини сифатсиз кадрлар тайёрлашнинг асосий сабабларидан бири деб қайд этгани ҳақиқатга мувофиқ эмаслигини тан олишимиз лозим. Кўпгина хат муаллифлари бу иллатнинг асосий сабаби таниш-билишчилик, порахўрликнинг томир ёйишида, ўқув-тарбия савияси етарли даражада эмаслигида, деб тўғри таъкидлашган.

Бироқ, имтиёз ҳақида фикрлар бир хил эмас: «Комсомол котиби бўлиб ишлаб юрганимда бир куни хонамга 60 ёшлардаги отахон келиб, ўғли ҳам бизнинг, фабрикада ишлашини, уни ўйлантириш арафасида эканлигини, 15 йилдан буён уй олиш учун навбатда турганлигини айтиб, муаммони ҳал қилишда ҳеч бўлмаса комсомол томонидан ёрдам беришимни ўтиндилар. У кишига шу кварталда ажратилган уй аввало икки «афғон»га берилишини айтгандим, отахон:

— Ўғлим, айтинг, ундай бўлса бизни ҳам жўнатишсин. 15 йиллаб вақтимизни ўтказмай биз ҳам афғонда хизмат қилиб кела қолайлик,— дея ҳуноб бўлиб чиқиб кетдилар. «Афғон»ларни биринчи ўринга, қолганларни иккинчи ўринга қўйиш адолатдан эмас... Т. Шукуров, Марғилон». «...Унда Вьетнамдаги қонли уруш иштирокчиларига, 1968 йил Прагада қўзғолонни бостиришда иштирок этиб, ярадор бўлганларга, у ерда вафот этганлар оиларига нега имтиёз берилмайди! Қ. Шарипов, Фарғона». «Мен Шўро Армиясида ҳарбий хизматдан ногирон бўлиб қайтдим. Хизматгача СамДД толиби, бир қизнинг бўлажак ёри эдим. Энди эса фақат биринчи гуруҳ ногиронман, холос. Севган қизим сен заҳарлангансан деб ташлаб кетди. Мақолани ўқиб Чироқчи ноҳиясининг чекка Каҳрамон қишлоғида яшовчи мунисгина Каромат исмли қиз ёдимга тушди. У бугун ерда юролмайди, оёқлари ишламаслиги сабабли аравачада юришга маҳкум. Мен ундан фожианинг сабабини сўрадим. У йиғиси бўғзига тиқилиб, «Укажон, укажон-а», дея бўзлашдан нарига ўтолмади.

Маълум бўлишича, у мактабдалигида пахтага чиқаришганда зах ерда юриб, ана шу хасталикни орттирган. Ун гулидан бир гули ҳам очилмаган оналик ҳуқуқидан маҳрум бу бегуноҳ қизчага нега имтиёз берилмайди! Ахир у ҳам инсон боласи-ку, у ҳам сизу, бизни деб шу аҳволга тушди-ку! С. Ражапов, Чироқчи ноҳияси».

Ҳа, бу сатрларни ўқиш оғир. Таассуфки, ҳали ҳукумат ўзининг тараққиёти деб жон куйдираётган ҳақиқий жонкуярларининг ҳаммасига ҳам ўз миннатдорчилигини баён этолгани йўқ. Ҳали бу борада тўла адолат қарор топган эмас. Ана шу сабабли ҳам жамиятимизда имтиёз борасида фикрлар турлича. Ж. Нуримматовнинг «Имтиёз» мақоласи ҳам жамиятимиздаги турли фикрлиликнинг бир кўринишидир. Унинг рўзномада чоп этилишини хато демоқчи бўлганларга бироз сермулоҳазароқ бўлинг, дегимиз келади. Чунки, ошкоралик даврида ҳеч кимнинг ҳақиқатга яккаҳокимлик қилолмаслиги аён.

Қўлимизда айрим муштарийларимиз йўллаган, собиқ «афғон» йигитларнинг номақбул, ишлари ҳақида ҳам мактублар мавжуд. Бироқ, ўз шаънини ўйламайдиган бундай йигитлар кўпчилик эмас. Ана шу сабабли ҳам уларга батафсил тўхталмаймиз.

Мақола эълон қилингач, айрим ориятли, қизиққон «афғон» йигитларимиз ўз имтиёзларидан воз кечмоқчи эканликларидан ҳам воқиф бўлдик Назаримизда, бу мутлақо нотўғридир. Ўз шаънини пок сақлаганлар, айримларнинг сўзи билан ҳеч қачон ёмонотлиқ бўлиб қолмайдилар. Зеро, энг асосий имтиёз халқнинг фарзандларига бўлган меҳр-эътиборидир. Асосий иш ана шу имтиёзга муносиб бўлишда. Халқимиз эса жабрдийда «афғон»ларни ҳамон ҳурмат қилади.

Ўзбекистон ССЖ олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳам мақолага муносабат билдириб, расмий жавоб йўллаган:

«Вазирлик «Имтиёз» [«Ёш ленинчи», 193-сон, 10.10.90 й.] мақоласи билан танишиб чиқди ва бу борада қуйидагиларни маълум қилади:

Тайёрлов бўлимларига қабул қилиш қоидаларига мувофиқ [473 — буйруқ, 1989 й 7 июнь] армия сафидан қайтган ва давлат томонидан белгиланган имтиёзларга эга бўлган [Афғонистонда хизмат бурчини ўтаган ёки Чернобиль АЭСида содир бўлган авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлар] кишилар учун баъзи бир имтиёзлар кўзда тутилган. Яъни улар қайси вақтда армия сафидан қайтганликлари ҳамда қанча вақт хизмат қилганликларига қарамасдан ҳужжатлари тайёрлов бўлимларига қабул қилиниши мумкин. Бундай номзодлар ҳамма қатори кўзда тутилган суҳбатлардан ўтишлари керак, фақатгина билимлари «қониқарли» деб топилганларгина ўқишга қабул қилинадилар. Ўқиш давомида бундай абитуриентларга қўшимча дарслар, консультациялар ўтказиш кўзда тутилган.

Мақолада таъкидланганидек, ўқиш давомида, имтиҳонлар топшириши (сессияларда) ёки курсдан-курсга ўтишда бундай талабаларга имтиёзлар бериш нотўғридир. Талабанинг билим савиясини белгилашда, унга мутахассислик гувоҳномасини топшириши ҳеч қандай имтиёзлар бўлиши мумкин эмас.

Бу йилги олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидаларига биноан, тайёрлов бўлимларини муваффақиятли тамомлаган тингловчилар якуний баҳоларига кўра, ўқишга қабул қилишдаги умумий конкурсда қатнашадилар ва фақатгина конкурс натижаси бўйича ўқишга қабул қилинишлари мумкин бўлади.

С. ҒУЛОМИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССЖ олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати аъзоси.

Сўзимиз сўнггида «Имтиёз»га муносабат билдирган барча муштарийларимизга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

ИЖОДКОР ЁШЛАР БЎЛИМИ.

БЎЛҒУСИ АСКАРЛАР

Олтиариқда миш-миш тарқалди. «Жўрак қишлоғидаги 25-ўрта мактабда ёш аскарлар клуби тузишибди!». Бу гапни эшитиб биров ишонди, биров ишонмади. Аввалига биз ҳам шубҳага бордик. Кейин...

Борган вақтимиз кеч соат 19 лар эди. Ҳеч ким кўринмади. Ҳамроҳимиз Энгельс номидаги жамоа хўжалиги комсомол қўмитаси котиби Маъруфжон Мақсудов «улар бу вақтда мактаб спорт залида бўлишади» деб бизни ўша томонга бошлади. Дарҳақиқат, спорт залининг чироқлари ёниқ, очиқ эшикдан машғулот ўтаётган йигитларнинг овозлари чиқиб турар эди. Эшик остонасида туриб, йигитлар ўтаётган машқларни қизиқсиниб кузатдик. Йигитлар бўлиниб олишиб, бир неча турдаги спорт машқларини бажаришаётган эди. Усмирларнинг ҳаммаси мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган ҳарбий кийимда.

Бизнинг кузатиб турганимизни навбатчи «аскар» сезиб қолди. Қаршимизга қорачадан келган, қотмагина йигит келиб, ўзини таништирди:

— Заҳирадаги сержант Нуриддин Аҳмедов!

У муддаомизни эшитгач, «аскар»ларини сафга туришга буюрди. Ҳаракатлар худди ҳарбийдагидек тезкор. Сўнгра «Ленин хона»сида суҳбат қизиб кетди. Берган саволларимизга улардан аниқ ва лўнда, яъни ҳарбийчасига жавоб олардик. Равшан Сулаймонов, Одилжон Аҳмедов, Ҳамдам Қурбонов, Холмат Обиджонов кабилар мактабдаги «мувақкат ҳарбий қисм» нима мақсадда ташкил этилганлигини ҳикоя қилиб беришди.

Кейин билсак, мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Энгельс номидаги жамоа хўжалигининг спорт ишлари бўйича йўриқчиси Умарали Солиев бу ишнинг ташкилотчиси экан. 22 ёшга тўлган, эркин кураш бўйича разряд соҳиби бўлмиш бу йигит мактабнинг юқори синф ўқувчиларини чиниқтириш, ҳарбий хизматга ҳар томонлама тайёрлаш мақсадида клуб тузишга жазм этибди. У биз ва қоларверса, бутун халқимизни қийнаётган муаммолар, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган айрим ўзбек йигитларининг қийналиб қолаётганликлари, жисмонан тайёр эмасликлари, рус тилини яхши билмасликлари ташвишга солаётгани учун ҳам бу ишда таваккал қилди. Юқори синф ўқувчилари бу таклифни қизиқиш билан кутиб олдилар. Сўнг мактабдаги имкониятлар чамалаб кўрилди. Ўн нафар 10 ва 11-синф ўқувчилари «хизматга олинди».

Айтиб қўйиш керак, бу шунчаки хўжакўрсинга қилинган иш ёки ўйин эмас. «Аскар» ўқувчилар ўзларига шароит яратишга киришди. Мактаб ўқувчиларига милтиқдан нишонга олиб отиш ўргатиладиган жойнинг кузатув хонаси «казарма»га айлантирилди. Бу хонага 9 та темир сўри сиғди. Иккита хона сиёсий ва назарий машғулот ўтишга, дам олишга мослаштирилди. Ҳарбийдагига яқин бўлган кун тартибига амал қилина бошланди. «Аскар» ўқувчиларга ўқув машғулотларидан сўнг соат 18 га қадар уйларига бориб келиш учун жавоб берилади. Ҳозирга қадар «қисм»га қайтиб келиш тартибини бирорта ҳам «аскар» бузгани йўқ. Сўнг кун тартибидаги 20 та вазифа бўйича хизматни ўташга киришилади. Кўпроқ вақт ҳарбий спорт машқларини ва сафда юриш-туриш қоидаларини ўрганишга кетади. «Булар ёшларнинг фанларни ўзлаштиришларига салбий таъсир қилмайдими?» — деган савол туғилиши табиий. Бундан хавотирланмаса ҳам бўлади. Чунки «аскар» ўқувчилар машқларидан сўнг ҳар куни 1—1,5 соатлик вақтларини фанлар бўйича ўқиганларини такрорлашга, уй вазифаларини бажаришга сарфлашади. Яна машғулотлар. Шунчаки эмас, чиниқтириш машқлари. Сўнг ҳордиқ. Эрталаб 6 да турилади ва икки ярим соатлик вақт спорт машқларига ва нонуштага кетади. Кейин ўқувчилар фан кабинетларига сабоқ олишга кирадилар.

Қисқаси, ҳали кўпчиликка номаълум бўлган бу «қисм»даги аҳвол рисоладагидек. Ҳатто бу ерда бошланғич комсомол қўмитаси ҳам тузилган. Сержант (ноҳиядаги «Бунёдкор» ширкати қурувчиси, шу қишлоқда яшайди) Нуриддин Аҳмедовнинг ўқувчилар ўртасида олиб бораётган тарбиявий ва ташкилий ишлари ибратга лойиқ. Унинг ва бошқа ташкилотчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан «аскар» ўқувчилар якшанба куни Фарғона шаҳридаги ҳарбий қисмга ташриф буюрдилар. Улар шу куни ҳарбий қисмдаги жангчилар билан жанговар ва назарий машғулотларда қатнашдилар, суҳбатлашдилар. Росмана ҳарбий ҳаёт билан таништилар. Лекин ўқувчиларни қийнаётган муаммолар ҳам талайгина. Асосий муаммо, имкониятларнинг чекланганлигидадир. Мактабдаги бошқа юқори синфлар йигитлари ҳам «хизмат қилиш»га қизиқишиб қолишди. Лекин уларни олишнинг иложи йўқ. Чунки «казарма» тор, 9 нафар ўқувчи зўрға сиғяпти. Бундан ташқари озиқ-овқат масаласи ҳам ҳал этилганича йўқ. Ун кунлик емиш учун ҳар бир «аскар» ўқувчидан 3 сўмдан пул тўпланган. Таомларни бир амаллаб мактаб ошпази тайёрлаб бермоқда. Тўғриси, овқатлар тури ва сифати «қисм»дагиларни қаноатлантирмаяпти. Емиш етарли бўлса, улар дарсдан сўнг ҳам уйларига кетмай, жисмоний тайёргарлик машқларини ўрганишни исташяпти. Бундан ташқари, кечки пайт асосий фанлар ўқитувчилари навбат билан қўшимча дарс соатлари ўтиш ёки такрорлаш учун келиб турсалар кўнгилдагидек бўларди. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги мактаб атрофидаги маҳаллаларда истиқомат қилишади.

Хуллас калом, эл-юрт ўрганиш учун жиҳозлар ҳам йўқ ҳисоби. Бу борада ёрдам ниҳоятда зарур. Йигитлар хўжаликлар ва ташкилотларда шартнома асосида ишлаб, маблағ топиш ва шу пуллар ҳисобига ҳарбий тайёргарлик кўришда асқотадиган жиҳозлар олиш йўлларини ҳам излашяпти.

Хулласи калом, эл-юрт олдидаги йигитлик бурчини ҳалол ўташга ҳарбий хизматнинг барча машаққатларини енгиб ўтишга тайёрланаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, кўнгилларини чўктирмаслик, аксинча қўлдан келган барча ёрдамни беришимиз керак. Чунки уларнинг ҳаракатлари замирида Ватан тақдири учун масъуллик куртаклари уняпти...

Мухлис ЖУРАБОЕВ,
Фарғона вилояти, Олтиариқ ноҳияси.

Яша, ота ўғил

Жўра БОБОРАҲМАТ суратн.

Радион ГАТАУЛИН: «ТОШКЕНТДАН КЕТАМАН»

Радион Гатаулинни билмаган спорт мухлиси кам бўлса керак. У нафақат ССЖИда, балки жаҳондаги энг машҳур енгил атлетикачилардан (лангар чўп билан баландликка сакрашда) бири, жаҳон рекордчиси Сергей Бубкадан кейин тан олинган кучли, ягона спортчи.

Куни-кеча Ўзбекистон ойнаи жаҳонида қизиқ бир кўрсатув берилди. Радион билан суҳбат олиб бораётган тележурналистнинг «Сизни Тошкентдан кўчиб кетаяпти, деб эшитдик. Шу гап ростми» деб сўраган саволига у даб-дурустдан «Тошкентда енгил атлетика билан шуғулланиш учун шароит йўқ. Аҳвол ўнгланиш ўрнига йилдан-йилга ёмонлашиб бораяпти. Мен бундай шароитда Тошкентда қололмайман. Бунинг устига хотиним ленинградлик. Биз иккаламиз маслаҳатлашиб унинг шаҳрида яшашга қарор қилдик».

Радионнинг қутилмаган қарори кўпчиликни ҳайратга солиши табиий. На илож? Бундай «келди-кетди»лар жумҳуриятимиз спорти учун янгилик эмас. Яширишнинг хожати йўқ. Кейинги пайтда Ўзбекистон бошқа ўлкаларга малакали спортчиларни етказиб бериш бўйича ўзига хос базага айланиб қолди. Бундан бир неча йил бурун от спорти бўйича машҳур бўлган чавандоз Юрий Ковшов ҳам тўсатдан Украинага кетиб қолганди. Велосипедчи Жамолиддин Абдужабборов эса Москвага. Биз бу рўйхатни яна давом эттиришимиз мумкин. Лекин...

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

24 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Ҳар чинордан бир япроқ». ССЖИ халқ артисти Олим Хўжаев таваллудининг 80 йиллигига (такрор.). 9.45 Ўктам Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм, 3-қисм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Янги йил оқшомида». «Бэленел ва Мяунел Янги йил кутади», «Қор қиз». Мультфильмлар. 18.40 Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 18.55 «Алифбо сабоқлари». 2-босқич. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Халқ билан ҳамнафас». Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси VIII съезди олдидан. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ижод саҳифалари». Шоир Тўлан Низом. Адабий-мусиқий кўрсатув. 21.25 Тижорат хабарлари. 21.30 Москва. «Вақт». 22.15 Ойнаи жаҳон хазинасидан. Ўктам Усмонов. «Гирдоб». Видеофильм. 4-қисм. 23.25 Янгиликлар. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.15 «Мерседес»даги кишининг далиллари». Бадиий фильм. 2-серия.

● МТ 1

7.00 «Тонг» (120+30). 9.30 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 9.45 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 10.45 «Яна бир бор севги ҳақида». Концерт. 11.05 «Картон соатлар майдони». Мультфильм. 11.25 «Ҳар бир хонадонда бўл». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 12.30 «ТСН» 12.45 «Австралия воқеалари». Телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм — «Австралиянинг олтин сири».

* * *

15.30 «ТСН». 15.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия — «Уя». 16.40 «Биз излаймиз». 17.10 Болалар учун фильм. «Сузавер, кемача» («Ленфильм»). 18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.05 Халқаро танловлар совриндори Д. Хворостовский куйлайди. 20.25 «Ҳар бир хонадонда бўл». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.30 «Вақт». 22.15 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 22.30 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Эркин программа. Болгариядан кўрсатилади. 23.15 «Австралия воқеалари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм «Майк Маррейнинг ташвиши йўқ». 00.10 «Пи» белгиси билан»

Тунги телевидение

01.40 «Онлавий шароитга кўра». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм»). 02.45 Шоир Виктор Боков билан учрашув.

Саломатлик клуби

БЎЙ ЎСИШИ КАСАЛЛИКМИ?

Врач қабулига 10 ёшлардаги қизини бошлаб келган аёл фарзанди ёш бўлишига қарамасдан унинг бўйи опаларинкидан ўсиб кетаётганидан шикоят қилди. Бунинг сабаби кўпчиликни қизиқтириши турган гап.

Баъзи олимларнинг фикрича, бола ўсаётган онлада ҳамма нарсанинг етарли бўлиши, организм учун керак бўлган витаминли овқат маҳсулотларининг хилма-хиллиги, яшаш шароитларининг яхшиланиши, бола оғирлигининг ҳозирги давр талаби даражасида тез ўсиб бориши бўй ўсишига таъсир қилмасдан қолмас экан. Лекин ҳаво таркибида заҳарли радиация нурлари ва ҳар хил кимёвий моддаларнинг ошиб кетиши, кундалик овқат маҳсулоти етиштириладиган экинлар таркибида уларнинг талаб даражасидан ниҳоятда кўп бўлиши, қишлоқ оилаларида вояга етаётган болаларнинг ўз вақтида қорни тўйиб овқат ейишга шароит етишмаслигини назарга олсак, юқорида биз қайд қилиб ўтган омилнинг унчалик аҳамиятга молик эмаслигини кўрсатади.

Кўпчилик мутахассис олимлар инсон танасидаги ички безларнинг бўй ўстирувчи суюқлик моддалар ишлаб чиқишини олдиндан исбот қилиб берганлар. Бўй ўстирувчи суюқлик моддаларнинг асосий қисмини бош миянинг ярим шарларининг остки қисмида жойлашган гипофиз бези ишлаб чиқаради. Ана шу без бўй ўстирувчи моддани қанчалик кўп ишлаб чиқарса, бўй шунчалик тез ўсиб кетиши аниқланган. Ўтмишда табиб кампирлар бўйи тез ўсиб кетаётган болани нон ёпадиган тандирга киритиб, тикка тургизган ҳолда бошига нонни рапида билан секин-аста урганлар. Боланинг руҳий ҳолатига, онгига таъсир қилган бу одат оз вақт бўлса ҳамки, уни ортиқча ўсишдан тўхтатган. Ишонтириш, таъсир қилиш йўли билан олиб борилган бу даволаш бездан чиқадиган бўй ўстириш моддаларининг миқдорини бирмунча камайтирган бўлса ажаб эмас.

Кейинги йилларда гипофиз безини ишлаб чиқарадиган бўй ўстирувчи суюқлигининг таъсир кучини камайтирадиган дори-дармон яратиш устида тинмай иш олиб борилди. Ниҳоят дориси топилди. Аммо бу дорини амалда қўллаш, инсон бўйининг ўсишига қанчалик салбий таъсир кўрсатиши ҳалигача тўлиқ ўз исботини кўрсатгани йўқ. Бу дорининг организмда бўй ўстирувчи моддаларни парчалаши, уларнинг таъсир кучини йўқотиши тажрибада аниқланди, холос.

Маълумки, одам организми 24-26 ёшгача ўсади, сўнгра суякларнинг ўсиш қобиқлари ёпилиши сабабли ўсишдан тўхтайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда бундан бир неча йил олдин чет мамлакатларда қиз ва ўғил болаларнинг бўй ўсишини тўхтатиш учун тажрибалар ўтказишди. Бунинг учун қиз ва ўғил болаларга жинсий балоғатга етиш даври бошланишидан олдин катта кишиларнинг жинсий безларидан ишлаб чиқиладиган моддаларни игна ва дори санчқи орқали уларнинг организмига киритила бошланди. Мақсад уларнинг организмини жуда барвақт катта ёшли кишилар организми қаторига келтириб, ўсишдан тўхтатиш эди. Бу усулнинг озгина бўлса-да, организм учун зарари борлигини фан исбот қилди.

Бўй ўстирувчи суюқлик ишлаб чиқадиган гипофиз безида пайдо бўладиган ҳар хил шишлар ҳам бўйни тез ўстиришда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки без ҳужайралари шишиб, ўсиб, бўй ўстирувчи суюқлик моддасини кўп миқдорда ишлаб чиқиб, бўйни ортиқча ўстириб юборади. Бундай пайтда бош миядаги ўша гипофиз бези жойлашган қисмни рентген нурлари ёрдамида суратга тушириб кўриш лозим бўлади. Безда шиш борлиги аниқланса, уни рентген нурлари билан, лозим бўлганда эса жарроҳлик усули билан даволашга тўғри келади.

Хулоса шундан иборатки, бўйнинг ортиқча ўсиб кетиши касаллик ҳисобланмайди. Балки, мия ўсиштаси гипофиз безида бўладиган ташқи ва ички таъсирлар натижасида ўзгаришнинг бир белгисидир, холос. Бундай пайтда ҳар бир ота-она боласини ички безлар касаллиги бўйича махсус мутахассис тиббиёт ходимига кўрсатиши лозим.

Норқул ҲУСАИНОВ,
ССЖИ Соғлиқни сақлаш аълочиси, 1-категорияли болалар шифокори.

Бош муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муқаддас АБДУСАМАТОВА, Зиёвиддин ОРТИҚХЎЖАЕВ, Карим РАҲИМОВ, Фаррух РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин РИХСИЕВ (масъул котиб), Қурбон ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчи: Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси (УЧРЕДИТЕЛЬ ЦК ЛКСМ УЗБЕКИСТАНА)

Рўзнома 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган.

БЎЛИМЛАР: ёшлар сиёсати — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-55-96; табиат ва экология — 32-57-52; иқтисодиёт ва тижорат — 32-58-47; ахлоқ ва ахборот — 32-57-52; спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; халқ таълими — 32-58-48; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; қабулхона — 32-56-58.

Манзилгоҳимиз: 700083. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Индекс: 64607. 380,000 нусхада чоп этилади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўзномамиз ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума, шанба кунлари чиқади.

Яна рўзномада кўришгунча!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси

Буюртма: 4732.